Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 182 (8672).

1985 йил 21 сентябь шанба

Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳасини ривожлантиришнинг 1986—2000 йилларга мўлжалланган комплекс программасини кўриб чиқиб маъқуллади.

Программа партиянинг социал-иқтисодий сиёсатини рўёбга чиқариш, совет кишиларининг фаровонлигини янада ошириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди. Унда белгиланган тадбирлар меҳнаткашларнинг молларга ва хизматларга бўлган ва доимо ошиб бораётган эҳтиёжларини қондиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришга, кўпгина молларнинг оқилона истеъмол нормаларига етиб олишга, совет кишиларининг талабларини тўлиқроқ таъминлашга қаратилган.

Ўн иккинчи беш йилликдаёқ саноат моллари ишлаб чиқаришни камида 1,3 баравар кўпайтириш, аҳолининг ҳамма турдаги кийим-кечак, пойабзал, радио ва телевизион аппаратлар, рўзғор техникаси ва бошқа хўжалик

(Давоми иккинчи бетда).

ЗАРБДОРЛАРЧА, СТАХАНОВЧАСИГА ИШЛАЙЛИК

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА СТАХАНОВЧИЛИК ҲАРАКАТИ ВЕТЕРАНЛАРИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИ ВА НОВАТОРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Учрашув пайти.

ТАСС фотоси.

Стахановчилик ҳаракати Совет мамлакати йилномасига шонли саҳифа бўлиб кирди. Бу ҳаракат социализмнинг ғоят катта бунёдкорлик имкониятларини, ишчилар синфининг революцион, новаторлик руҳини ўзида ёрқин мужассамлаштирди. Ишчилар синфи ўша вақтдаги илғор техникани эгаллаб олиб, фан-техника тараққиётининг бутун жабҳаси бўйлаб ёриб ўтди. Алексей Стахановнинг тарихий рекордидан кейин ўтган ярим аср у бошлаган ватанпарварлик ҳаракатининг аҳамияти узгармаслигини тасдиқлади.

Биринчи беш йилликлар қаҳрамонларининг анъаналарини уларнинг ворислари — социалистик экономиканинг барча соҳаларидаги ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари муносиб равишда ривожлантирмоқдалар. Улар партиянинг даъватига жавобан халқ хўжалигини интенсивлаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш соҳасида ҳудди шундай оммавий, бироқ анча катта миқёсларда меҳнат жасорати кўрсатишга интилмоқдалар.

20 сентябрь куни стахановчилик ҳаракати ветеранларидан, Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси илғорларидан катта бир группаси КПСС Марказий Комитетига таклиф қилинди. Бу ерда **М. С. Горбачев, Н. И. Рижков, В. И. Долгих, Б. Н. Пономарев, Л. Н. Зайков, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, В. П. Никонов, К. В. Русаков** ўртоқлар улар билан учрашдилар.

Бу учрашув қизғин, самимий ва амалий руҳда бўлди. Залда ҳозир бўлган кўпгина машҳур кишиларни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев шахсан танийди, уларнинг меҳнат коллективларида бўлган. Марказий Комитетда партия раҳбарлари билан коммунист ишчилар, меҳнат аҳли ўртасида ошкора суҳбат бўлди. Бу ерда маслакдошлар йиғилишган эди, уларнинг улуғ Ватанимизнинг экономикаси мустаҳкамланиши учун, унинг мудофаа қалқони енгилмас бўлиши, совет кишилари моддий ва маънавий жиҳатдан бой—бадавлат яшашлари учун ишларни қандай қилиб самаралироқ, яхшироқ олиб бориш ҳақидаги ташвишлари ҳам муштаракдир.

Ўртоқ М. С. Горбачев учрашувни оча туриб, совет ишчилар синфи ветеранларини ва улар меҳнат шоншуҳрати ворисларини стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги муносабати билан сидқидилдан табриклади. У социалистик мусобақада эришган ғоят катта муваффақиятлари, беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш йўлидаги курашга катта шахсий ҳисса қўшганликлари учун куни кеча Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ва икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвони берилган ишлаб чиқариш илғорларини ва новаторларини қизғин муборакбод этди.

М. С. Горбачев йиғилиш аҳли ҳузурида нутқ сўзлади, бу нутқ зўр эътибор бериб тингланди ва давомли қарсаклар билан кутиб олинди.

Учрашувда Ворошиловград областидаги «Стахановшахтострой» трестининг катта инспектори, илгари стахановчилик ҳаракати бунёдга келган «Центральная — Ирмино» шахтасида ВКП (б) Марказий Комитети партия ташкилотчиси бўлган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **К. Г. Петров**, Калинин областидаги Вишневолоцк ип газлама комбинатининг катта инженери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **В. И. Гаганова**, «Зеленоградстрой» ишлаб чиқариш бирлашмаси комплекс бригадасининг бошлиғи, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Н. А. Злобин**, меҳнат ветерани, Пермь областидаги 2-«Капитальная» шахтасининг собиқ ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **П. К. Поджаров**, оғир машинасозлик саноати Электросталь заводининг токари, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **В. М. Яригин**, Кустанай область, Боровский районидаги «Харьковский» совхозининг механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **К. Б. Доненбоева**, Магнитагорск металлургия комбинати домна печининг газчиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **В. Д. Наумкин**, «Нижневартовскнефтегаз» бирлашмасига қарашли Нижневартовск 2-пармалаш ишлари бошқармасининг пармалаш мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **А. Д. Шакшин**, тезкор усулда пўлат қуйиш ташаббускорларидан бири, эндиликда эса Бутуниттифоқ «Союзметаллургпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош пўлат эритувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **М. М. Привалов**, қурилишда стахановчилик ҳаракатининг ташаббускори, эндиликда СССР Госстройи қурилишда меҳнат Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтининг бош технологи **Ф. Н. Мальцев**, меҳнат ветерани, Черкасск областидаги Коминтерн номли колхознинг собиқ звено бошлиғи, қанд лавлагидан мўл ҳосил олиш учун ҳаракат ташаббускори **М. С. Демченко** сўзга чиқдилар.

(ТАСС).

КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ЛЕНИНЧА УСЛУБ УЧУН

ТОШКЕНТДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Коммунистик партия жамият тараққиётининг ҳамма босқичларида кадрлар сиёсатини изчиллик ва мақсадни кўзлаб амалга ошириб келмоқда. Бу сиёсатнинг асосий принципларини В. И. Ленин ишлаб чиққан.

20 сентябрь куни Тошкентда очилган «Кадрлар тўғрисидаги ленинча таълимот ва ҳозирги шароитда раҳбар ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни янада яхшилашнинг актуал масалалари» мавзуида очилган илмий-амалий конференцияда шу ҳақда гап борди. Уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳамда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси ўтказмоқда. Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг масъул ходимлари, область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, касаба союз, комсомол ходимлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, жамиятшунос олимлар, илмий-ишлаб чиқариш, саноат ишлаб чиқариш бирлашмалари, транспорт, қурилиш ташкилотлари, колхозлар ва совхозлар раҳбарлари, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг ходимлари қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев «Кадрлар тўғрисидаги ленинча таълимот ва ҳозирги шароитда раҳбар кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни янада яхшилашнинг актуал масалалари» мавзуида доклад қилди.

Конференция қатнашчилари КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси проректори И. И. Пронининг «Коммунистик ғоявийлик — раҳбарнинг ажралмас фазилати», КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси сиёсий иқтисод кафедрасининг раҳбари, СССР фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Л. И. Абалкиннинг «Раҳбарнинг замонавий сиёсий-иқтисодий тафаккурини шакллантириш» мавзундаги докладларини ҳам тингладилар.

Конференция иши масъулиятли даврда ўтаётганлиги таъкидланди. Мамлакатимизда партиямиз ва халқимиз ҳаётида, бутун халқаро коммунистик ҳаракат ҳаётида муҳим воқеа—КПСС XXVII съездига фаол тайёргарлик кўрилмоқда. Съезд марксча-ленинча назарияни ижодий ривожлантириш асосида партиянинг янги таҳрирдаги Программасини қабул қилади, КПСС Уставига ўзгартишлар киритади, мамлакатимиз сиёсий, социал-иқтисодий, маънавий тараққиётининг яқин вақтдаги ва узоқ муддатли вазифаларини белгилаб беради.

Ҳозирги даврда партия ва халқнинг асосий куч-ғайратлари фан-техника тараққиёти негизида мамлакат ривожланишини жадаллаштиришга қаратилгандир. Бу — экономикани интенсивлаш йўлига ўтказиш, ишлаб чиқариш структурасини қайта қуришни амалга ошириш, бошқариш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг самарали формаларини жорий этиш, халқнинг моддий фаровонлигини янада ошириш, Совет давлатининг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш йўлидир.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш партиянинг ижтимоий ҳаёт барча жиҳатларга раҳбарлик қилиш борасидаги фаолиятининг таркибий қисмидир. Бу масалалар ҳамиша партиянинг диққат марказида бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Раҳбар кадрларнинг составини сифат жиҳатидан яхшилаш партия раҳбарлик роли тағин ҳам ортишининг, мамлакат иқтисодий ва социал тараққиёти янги вазифаларини амалга ошириш-нинг муҳим шартидир.

В. И. Ленининг буюк хизматларидан бири шуки, у Коммунистик партия кадрлар сиёсатининг асосий принципларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқди ва кадрларни танлаш ҳамда уларни жойжойига қўйишда партиянинг ролини белгилаб берди.

Ленинизмга содиқ бўлган. КПСС ишчилар, деҳқонлар ва илғор зиёлилар орасидан коммунизм ғояларига садоқатли омилкор раҳбарларнинг, омманинг истеъдодли ташкилотчилари катта армиясини тарбиялаб етиштирди, улар Улуғ Октябрь ғалабасига, социалистик қурилиш ишига жуда катта ҳисса қўшдилар.

В. И. Ленин кадрлар билан ишлашнинг аҳамиятини таъкидлаб бундай деган эди: «...Партия — алоҳида бир нарса эканлигини, у онгли, ўзини қурбон қилишдан қайтмайдиган кишиларни талаб қилишини... партия бизнинг яна қандай йўлларни босиб ўтишимизни, яна қандай тўсиқлардан ўтишимиз лозим эканлигини биладиган кишиларга раҳбарлик қилишини ва шундай кишиларни танлаб олишини ишчиларга сўз билан эмас, балки иш билан исбот қилиб бердик».

Конференцияда ҳозирги даврда КПСС кадрлар сиёсатининг асосий йўналишлари XXVI съезд, КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми қарорларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг нутқларида ишлаб чиқилганлиги уқтириб ўтилди. Партия кадрлар билан ишлашда партиявий, давлат, хўжалик ва маданий-тарбиявий фаолиятнинг ҳамма соҳаларига сиёсий етук ва юксак ахлоқли, ўз ишини биладиган ва ташаббускор, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ва янгиликни ҳис этадиган кишилар раҳбарлик қилишларига интилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон халқ хўжалигида деярли бир ярим миллион дипломли мутахассис ишламоқда. Ишлаётган ҳар бир минг кишига олий ва ўрта махсус маълумотли 229 киши тўғри келади. Бу — тузумимизнинг жуда катта социал ғалабасидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми республика партия ташкилоти фаолиятида муҳим босқич бўлиб қолди. Партия ҳаётининг ленинча нормаларини қарор топтиришда бу пленум алоҳида аҳамиятга эга бўлди, камчиликларга қандай принципиаллик ва партиявий муросасизлик билан муносабатда бўлиш кераклигини, фаолиятнинг кадрларга ленинча иш услубини қандай ўргатиш керак-лигини равшан кўрсатди. Пленум қарорларини коммунистлар, республиканинг барча меҳнаткашлари ялқилик билан қўллаб-қувватладилар. Бу қарорлар масъулият ва тартибни мустаҳкамлашга ёрдам берди, ижтимоий онгда, кишилар кайфиятида ижобий ўзгаришлар қилди.

Илгари кадрларни сиёсий, ишчанлик ва маънавий — ахлоқий фазилатларига қараб тайинлашнинг ленинча принциплари кўпинча амалда қариндош-уруғчилик билан, ҳамюртлик, шахсий садоқати, ғаразли мақсадлар билан алмаштирилганлиги пленумда тамомила очиқ ва равшан айтилди. Бундай аҳвол танқид ва ўз-ўзини танқиднинг сўнишига, омма билан алоқанинг бўшашувига, оқибат натижада ишларнинг барбод бўлишига олиб келди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу нуқсонларни очиқ тан олди, салбий ҳодисаларга қарши муросасиз кураш олиб бориш йўлини тутди, республика партия ташкилотларининг бутун кучини ижтимоий ҳаётнинг муҳим томонларини янгилашга сафарбар этди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми йўлидан қатъий бориш зарур.

Барча тармоқларда ҳамма бўғиндаги раҳбар кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни қатъий яхшилаш XVI пленум қарорларини ҳаётга жорий этишнинг комплекс тадбирларида муҳим ўрин тутади. Бунда республика партия ташкилоти топширилган иш учун ҳар бир кишининг масъулиятини ошириш тўғрисидаги ленинча қоидага асосланади. Партия ички демократиясини

(Давоми учинчи бетда).

МЕҲНАТ ЖАСОРАТИНИНГ СЎНМАС АНЪАНАЛАРИ

М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Сизларни — ишчи инсон шавкати, шон-шарафи ва қаҳрамонлигини мужассамлаштирган ҳаракат сарчашмаларида турган ветеран стахановчиларни, меҳнат жасоратининг сўнмас анъаналарини муносиб равишда давом эттираётган ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари — Сизларни партия Марказий Комитети номидан сидқидилдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Биз яхши бир муносабат билан учрашдик. Меҳнат шижоатининг сатхановча учқуни меҳнаткашларнинг жўш милиони ҳаракатини жўш урдириб юборган ўша кундан буён орадан ярим аср вақт ўтди. Ўша йиллардаги қаяжонли воқеаларни ёдга олибгина қолмай, шу билан бирга бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларини ҳал этиш учун социалистик мусобақанинг сафарбар этувчи имкониятларидан қандай қилиб яхшироқ фойдаланиш кераклиги тўғрисида ҳам маслаҳатлашиб олсак тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Стахановчилик ҳаракатининг аҳамияти ғоят катта ва ўзгармасдир. В. И. Ленин дастлабки коммунистик шанбаликларнинг тажрибасидаёқ зукколик билан кўра билган бунёдкорлик асоси: «...ишчиларнинг, меҳнат унумдорлигини ошириш, янги меҳнат интизомига ўтишда, хўжалик ва ҳаётнинг социалистик шароитларини яратишда онгли ва ихтиёрий ташаббускорлиги» шу ҳаракатда намоён бўлди.

Ўртоқлар, бу бизнинг бурилиш давримиздаги вазифаларга ғоят ҳамоҳанг бўлган ғоят теран ва кенг миқёсли таърифдир!

Стахановчилик ҳаракати унутилмас йилларда юзага келди. Ёш совет давлати вақтдан деярли ўзиб, индустриалашни жадал суръатлар билан амалга ошираётганди. Меҳнат самарадорлигини тезлик билан ошириш, уни ташкил этишнинг янги формаларини топиш, техникавий реконструкциялаш, ишлаб чиқаришнинг моддий базасини янгилаш туфайли вужудга келтирилган имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланиш керак эди.

Стахановчилик ҳаракати меҳнатга нисбатан шундай янги муносабатни ифода этдики, Максим Горький уни «омма куч-ғайратининг алангали портлаши» деб атаган эди. Ёш мамлакат, унинг ишчилар синфи ва деҳқонлари бунёдкорлик кучларининг қудратли тўлқини рўй берди. Бу албатта бирданига содир бўлгани йўқ. Бу янги ижтимоий муносабатлар қарор топишининг бутун бориши, партиянинг аниқ мақсадга қаратилган иши билан тайёрланган эди.

Ўша пайтдан буён орадан кўп йиллар ўтди, лекин биз ҳозир ҳам стахановчилик ҳаракатини бошлаб берган кишиларнинг номларини қойил қолиб, ифтихор билан тилга оламиз. Ана шу номларнинг ҳар бири ёрқин, талантли, ўзига хос шахсидир. Уларнинг ҳаммаси — шахтёрлар Алексей Стаханов ва Никита Изотов, темирчи Александр Бусигин, шахта партия ташкилотчиси Константин Петров, пўлат қуювчи Макар Мазай, фрезерчи Иван Гудов, паровоз машинисти Петр Кривонос, пойабзални қолипга тортувчи Николай Сметанин, тўқувчилардан Евдокия ва Мария Виноградовалар, комбайнчи Константин Борин, тракторчилардан Паша Ангелина ва Прасковья Ковардак, лавлагикорлар Мария Демченко билан Марина Гнатенко ва бошқа кўплаб ташаббускорлар халқ орасидан чиққан кишилардир.

«Стахановчи», «стахановчасига»— бу сўзлар таашаббус рамзи, барча илғор ишлар, эскириб, ўз умрини яшаб бўлган нарсаларга қарши кураш рамзидир. Стахановчилик ҳаракати нафақат социал, балки маънавий ҳодиса ҳам бўлиб, янги жамият кишисининг маънавий гўзаллигини кўрсатиб берди. Шу ҳаракат кашшофлари мамлакатнинг чинакам қаҳрамонлари бўлиб қолдилар. Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, ёшлар уларга тенглашиб, яшашни улардан ўргандилар, уларга эргашиб бордилар.

Тарихни эзъозлаш учунгина бу ҳақда гапираётганим йўқ. Шу залда ўтирган ветеран стахановчиларга ва ҳозирги кунимизнинг меҳнат илғорларига назар ташлар экансан, даврларнинг бир-бири билан узвий боғлиқлиги тўғрисида, социалистик анъаналар эстафетаси ҳақида ўйлайсан киши. Ўтган ярим аср мобайнида техника ҳам, одамлар ҳам ўзгариб кетди. Аммо стахановчилик ҳаракати анъаналари ўтмишда қолиб кетгани йўқ. Стахановчи кашшофларнинг жўшқин новаторлик руҳи, уларнинг техника қувватидан имкони борича тўла фойдаланишга эришиш йўлидаги интилишлари, ўз умрини яшаб бўлган нормаларни, қолаверса психологик одатларни ўзгартиришдаги дадилликлари бизнинг даврримизга айниқса ҳамоҳангдир.

Ҳозир партия мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, барча соҳада интизом ва тартибни қатъиян мустаҳкамлаш йўлидан бормоқда. Экономикага кўпроқ жўшқинлик бахш этиш, уни интенсивлаш изига ўтказиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини бутун чоралар билан ўстиришни таъминлаш лозим. Бу йўл меҳнаткашларнинг орзуумидлари ва кайфиятларини тўла даражада ҳисобга олади, аниқроқ қилиб айтганда ифода этади.

Бизнинг энг яқин келажакдаги ва бир мунча олис истиқболдаги планларимизни, сиёсатимизни КПСС XXVII съезди узил-кесил белгилаб беради. Аммо биз асосий масалада халқ хўжалиги комплекси ўн иккинчи беш йилликда ва учинчи минг йиллик бошланишига қадар қандай ривожланиб бориши кераклигини ҳозирдаёқ тасаввур этамиз. Ҳал қилувчи бўғин қаерда эканлигини ва биринчи навбатда қайси мурувватларни босиш кераклигини кўриб турибмиз. Уч беш йиллик мобайнида саноат потенциалини Совет ҳокимиятининг аввалги барча йиллари мобайнида яратилганига баравар даражада ўстиришни таъминлаш лозим. Бунда экономикани интенсивлаш йўли билан шунга эришиш керак — масаланинг энг муҳим томони ҳам мана шундадир.

Ҳаётнинг ўзи шундай суръатларни тақозо этмоқда. Совет кишиларининг фаровонлигини ошириш, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини давлатимиз ва унинг иттифоқчилари хавфсизлигини сўзсиз гарантиялайдиган даражада сақлаб туриш зарурлиги шундай суръатларни тақозо этмоқда. Хуллас, биз Ленин йўлига амал қилиб, масъулиятли тарихий йўлни танлаб олишимиз керак эди—партия ҳам шу йўлни танлаб олди. Социал-иқтисодий тараққиётни анча жадаллаштириш орқали жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришиш — ана шундай йўлдир. Зотан биз шу йўлдан борамиз, борганда ҳам оғишмай ва изчиллик билан боравераміз. Ҳозир бутун диққат-эътибор белгиланган тадбирларни амалда рўёбга чиқаришга, конкрет ишларга, хоҳ ишчи, колхозчи, мутахассис, олим, корхона ёки тармоқ раҳбари бўлишидан қатъи назар истисносиз ҳамманинг осон бўлмаган кундалик ишига қаратилиши лозим.

Яқинда мен Ғарбий Сибирнинг нефть-газ районида ва Қозоғистоннинг қўриқ ўлкасида бўлдим. Ишчи ва мутахассислар билан жиддий ва ошкора суҳбатлашдик. Ана шу суҳбатлардан совет ишчиси ва деҳқони, инженери ва олими мамлакат олдида турган вазифаларнинг ҳал этилиши учун ўз масъулиятини чуқур англамоқдалар, деган асосий хулоса келиб чиқади. Шунчаки, олға ҳаракат қилиш эмас, балки фан-техника тараққиётининг бутун жабҳаси бўйлаб чинакам ёриб ўтиш, экономикани ривожлантиришда туб бурилиш зарурлиги вужудга келганлигини равшан англаш яққол кўринибтурибди.

Мана шу янги шароитда кишиларнинг активлиги, уларнинг ўзгаришлардан астойдил манфаатдорлиги сезиларли равишда кучаймоқда. Улар проблемаларни новаторларча ҳал этиш йўлларини, социалистик мусобақани ташкил этишнинг янада таъсирчан формаларини изламоқдалар. Меҳнаткашларнинг кейинги вақтларда бунёдга келган оммавий ташаббуслари бунинг далилидир.

Чунончи, Москва ва Ленинград корхоналарининг коллективлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг жами ўсишига техника тараққиёти, машина-ускуналарни мумкин қадар кўпроқ ишлатиш йўли билан эришиш учун курашмоқдалар. Украина машинасозлари XII беш йилликда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг жами ўсишини қора металлар прокати истеъмолини оширмасдан ва ишловчилар сонини кўпайтирмасдан таъминлаш мажбуриятини олдилар. Липецк, Нижний Тагиль ва Череповец металлургларининг қувватлардан, иккиламчи ресурслардан яхшироқ фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш йўли билан юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришмоқдалар. Кўпгина корхоналар иш жойларини аттестациядан ўтказиш ва рационализациялашни такомиллаштириш асосида юксак пировард натижаларни қўлга киритмоқда. Бу йил тежаб қолинган материаллар ҳисобига камида икки кун ишлаб беришга қарор қилган меҳнат коллективларининг ташаббуси ҳамма жойда қўллаб-қувватланди.

Енгил автомобиллар ишлаб чиқарувчи Вольжск бирлашмасининг КПСС Марказий Комитети маъқуллаган муҳим ташаббуси тўғрисида алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Бу ташаббуснинг моҳияти шундаки, коллектив ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини оширишнинг конкрет таклифларини ишлаб чиқди, бу таклифлар министрлик XII беш йилликкa белгиланган контрол рақамларидан анча кўпдир. Меҳнат унумдорлигини талай даражада оширишга, ҳар бир автомобилга сарфланадиган металлни, ёнилги сарфини камайтиришга қарор қилинди. Бунинг устига янги моделлардаги автомобилларнинг гарантияли юриш муддати бир ярим баравар узайтирилди. Коллектив ўз таклифларини давлат планига киритишни сўради.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, ВАЗ ташаббуси корхонадан бошлаб ҳар бир бригада, ҳар бир иш жойигача узлуксиз ишлайдиган хўжалик ҳисоби тажрибаси билан талай даражада «аралашиб кетган». Бу — партиянинг барча резервларни халқ хўжалигига хизмат қилдириш тўғрисидаги даъватига муносиб жавоб бўлиб, ишга омилкорлик билан муносабатда бўлиш намунасидир.

(Давоми иккинчи бетда).

М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

(Боши биринчи бетда).

Кўриб турибмизки, бугунги кунда илғор коллективлар аввало ишнинг сифат кўрсаткичларига эътиборни қаратмоқдалар. Янги техника ва технологияни ўзлаштириш, ресурсларни тежаш, шартнома мажбуриятларини сўзсиз бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш шулар жумласидандир. Ўз-ўзидан равшанки, мен мусобақанинг фақат айрим хусусиятларинигина айтиб ўтмоқданман — унинг тажрибаси ҳаётнинг ўзи каби бой ва хилма-хилдир.

Ишлаб чиқариш соҳиби сифатида ходимнинг ўзининг камол топиши, унинг ҳозирги вазифалар қўлами ва янгилигига мослашуви ҳам ғоят катта аҳамиятга эга, албатта. Чунки мусобақа — меҳнаткашлар ижодкорлигини авж олдиришнинг ғоят муҳим соҳаси, совет кишиси нималарга қодир эканлигини кўрсата олиши ва камол топишининг, унинг қобилияти, истеъдоди, гражданлик фазилатларини аниқлаш ҳамда жамоат томонидан эътироф этишнинг асосий воситаларидан биридир.

Хуллас, ишларимиз юришиб кетди, дастлабки натижалар олинди, аммо бу катта ишнинг бошланиши холос. Олдинда изчиллик билан оғишмай ҳал этиш лозим бўлган ғоят кенг миқёсли вазифалар турибди. Бу вазифалар турмушнинг барча соҳаларига тааллуқли бўлиб, барча бошқарув бўғинларидан ниҳоятда юксак масъулиятни талаб қилади. Биз хўжалик кадрларини партия олға сурган янги ёндашув ва талаблар руҳида қайта тайёрлаш йўлини бундан буён ҳам қатъият ва изчиллик билан ўтказаверамиз.

Аммо, ўртоқлар, пировард натижада ишнинг муваффақияти меҳнат коллективларида — бирлашмалар ва корхоналарда, цехлар ва бригадаларда, иш жойларида ҳал этилади. Ҳал этилганда ҳам, ҳар бир меҳнатчининг ғайрат-шижоати, ақлидроки билан ва айтишим мумкинки, қалби, шаъни ва виждони билан ҳал этилади. Умумий манфаат йўлида виждонан ишлаш, интизомга қатъий риоя этиш, масъулият ва ташаббускорлик кўрсатиш, давлат манфаатлари тўғрисида ўз манфаатларидек ғамхўрлик қилиш — аслида ҳар бир кишидан талаб қилинаётган нарсалардир.

Шу мақсадда барча воситалар — иқтисодий ва социал воситаларни, барча омиллар — моддий ва маънавий омилларни ишга туширишимиз керак. Бунда шундай рағбатлантиришнинг муҳимлигига алоҳида эътиборни жалб қилмоқчиманки, уни ҳеч қандай сўм билан ўлчаб бўлмайди. Ишчи ва колхозчиларнинг, мутахассислар ва олимларнинг — Ватан шон-шуҳратини ошираётган барча кишиларнинг ҳалол меҳнатини ўз вақтида пайқаш, қўллаб-қувватлаш ва улуғлаш нақадар муҳим эканлигини ўтган йиллар ва бугунги кун тажрибаси кўрсатиб турибди.

Олдинда бораётганларга баъзан осон бўлмайди. Иш ҳамиша ҳам шитоб билан боравермайди: эскириб қолган анъаналарни ўзгартиришга, қолоқлик ва тушунмасликни бартараф этишга тўғри келади. Лекин ҳар бир новатор-мамлакатнинг шон-шуҳрати ва ифтихори, социалистик жамиятнинг ғоят катта бойлигидир. Бундай кишиларни қўллаб-қувватлаш лозим. Уларнинг номлари ва ишларини бутун мамлакат, ҳар бир меҳнат коллективи билиши керак.

Ташаббускор, юқори унумли меҳнатни бутун чоралар билан рағбатлантириб, айни вақтда қўл учида ишлаётган, меҳнат ва технология интизомини бузаётган, брак маҳсулотни кўп ишлаб чиқараётган кишиларга нисбатан қаттиқ талабчанлик қилишимиз лозим.

Марказий Комитетга келаётган хатларда меҳнаткашлар виждонан меҳнат қилишни истамаётган кимсаларга қарши тағин ҳам таъсирчан ҳуқуқий, моддий, маъмурий ҳамда бошқа чоралар қўллашни таклиф этмоқдалар. Бу адолатли бўлур эди. Худди шундай ҳаракат қилиш ҳам керак. Қолаверса, хўжалик юритишнинг янги механизми ҳам шунга қаратилган бўлиб, тобора кўпроқ корхоналар ва тармоқлар шу асосда ишлашга ўтмоқда.

Марказий Комитет ишчилар синфи, деҳқонлар, инженер-техник кадрлар, хизматчилар, зиёлилар мамлакатни социал ривожлантиришни жадаллаштириш реаллик бўлиб қолиши, совет кишиларининг турмуши моддий ва маънавий жиҳатдан яна ҳам бой, тўлақонли, сермазмун бўлиб қолиши учун ижодий активлик кўрсатиб, ўз кучларини аямасликларига умид боғлайди.

Ўртоқлар! В. И. Ленин «омманинг **тезлик билан** ишга киришмоғи учун **оммани мусобақасини ҳам, ташаббусини ҳам** қўзғата билмоқ» ниҳоятда муҳим, деб ҳисоблаган эди. Ҳозир социалистик мусобақада амалда барча меҳнаткашлар иштирок этмоқдалар. Бироқ, меҳнат мусобақасининг самараси ҳамиша ҳам кутилганидек эмас, деб ўйлайман. Бунинг сабаблари ҳар ҳил. Энг асосий сабаблардан бири шундан иборатки, мусобақанинг форма ва методлари иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичи характерига асло тўла мос келаётгани йўқ. Кўпгина коллективларда социалистик мусобақа экономикани интенсив ривожланиш изларига ўтказиш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, хўжалик механизмини қайта қуриш, меҳнатни ташкил этишнинг коллектив формаларини кенг жорий этиш борасидаги ишлар билан мустаҳкам ва чуқур боғланмай, ўз қолича давом этмоқда, деса бўлади.

Бундай аҳволни тубдан ўзгартириш керак. Модомики, биз резервларни аниқлашга, эга бўлган барча нарсалардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланишга киришган эканмиз, келинглар, мусобақанинг ўзига ҳам шу позицияларда туриб янгича назар ташлайлик. Умуман бу мусобақага ҳозирча устун мақсадлар: меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ресурсларни тежаб-тергаш каби мақсадларга яна ҳам аниқ-пухта йўналиш етишмаяпти.

Суръат, сифат, тежамкорлик, уюшқоқлик — куннинг асосий шиорлари мана шулардир.

Учрашувимиздан фойдаланиб, маҳсулот суфатини қатъиян яхшилаш зарурлиги тўғрисида яна бир бор айтиб ўтишни истардим. Бу экономикага, сиёсатга, ахлоққа оид масалаларнинг бутун бир тугунидир. Маҳсулотнинг сифати пастлиги — халқ мулкини ҳам, инсон меҳнатини совуришдан, тўғридан-тўғри талон-тарож қилишдан бошқа нарса эмас. Масалан, кенг истеъмол молларини олиб кўрайлик. Нима учун биз космик кемаларни, атомоходларни яхши тайёрлай оламизу, замонавий рўзғор техникасини, пойабзал, кийим-кечакни кўпинча нуқсонлар билан ишлаб чиқарамиз, деб таажжубланаётган харидорни тушуниш мумкин. Бундай маҳсулот ишлаб чиқариш эса нафақат моддий, шу билан бирга маънавий-сиёсий зиён етказади.

Нима учун шундай бўлаётганлиги сир эмас. Маҳсулотнинг сифати учун талабчанликнинг пастлиги, технология интизомининг бўшлиги асосий сабабларнинг биридир. Бунда эса кўп нарса меҳнат коллективларининг ўзига боғлиқ. Ишчи ва колхозчилар, олимлар ва мутахассислар, инженер-техник ходимлар, хўжалик раҳбарлари Ватанимизнинг барча маҳсулоти жаҳондаги ана шундай энг яхши маҳсулотлардан қолишмаслиги ёки улардан ўзиб кетиши учун курашни авж олдириб юборишларига ишончимиз комил.

Сифат тўғрисида гапирганда, мен миқдор кўрсаткичлари ўз аҳамиятини йўқотди, деб айтмоқчи эмасман асло. Ҳозир ҳам кўпроқ дон, сабзавот, гўшт етиштириш, кўмир ва нефть қазиб олиш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш керак. Бир қанча тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бундан буён ҳам меҳнат мусобақасининг муҳим кўрсаткичи бўлиб қолаверади. Аммо шу нарса ҳам равшанки, биз, айтайлик, энергетика ва хом ашё ресурсларини ишлаб чиқаришни чексиз ошириб бора олмаймиз. Ҳар бир тонна металл, нефть, ўғитдан, ҳар бир киловатт электр энергиядан, ҳар бир куб метр ёғоч-тахтадан омилкорлик билан фойдаланишни ўрганиш лозим.

Шу боисдан ҳам меҳнат ресурсларни моддий ва молиявий ресурсларини, тежаш, улардан оқилона фойдаланиш учун ҳам мусобақа олиб борилиши керак. Мен шу мавзуда гапирган эдим, бироқ, аҳвол секинлик билан яхшиланиб бораётганлигини ҳисобга олиб, шуни яна бир бор таъкидламоқчиман: иқтисод қилиш, тежамкорлик, жамғарилган ишлаб чиқариш потенциалидан оқилона фойдаланиш — бизнинг дастлабки резервимиз, халқ хўжалиги самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи шартидир.

Бу йўналишдаги ҳар бир конкрет қадамни қадрлаш, исрофгарчиликка нисбатан қатъий чора кўриш керак. Шундай ҳам бўладики, қарасанг, цехда ёки завод ҳовлисида иқтисод ва тежамкорликка даъват этувчи плакатлар илиб қўйилган, завод территориясини эса темир-терсак, ўз муддатида ўрнатилмаган машина-ускуналар босиб ётади. Демак, даъватлар ва сўзлар бошқа-ю, иш бутунлай бошқа бўлиб чиқади.

Ўртоқлар! Жамият олдида турган вазифаларни ҳал этишда касаба союзларининг роли бениҳоя катта. Меҳнаткашларнинг социал ва маданий эҳтиёжлари тўғрисида, меҳнат ва турмуш шароитлари, дам олиши ва бўш вақтларини ўтказиши тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш — касаба союзлари фаолиятидаги энг асосий вазифадир. Аммо бу вазифаларни энг юқори меҳнат унумдорлиги учун, ишлаб чиқаришда интизом ва уюшқоқлик учун сабот билан мунтазам курашмай туриб, муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди. Неъматларни яратишнинг ягона йўли — самарали ишлашдан иборат. Шунинг учун меҳнаткашлар манфаатларини унумдорликни ошириш орқали ҳимоя қилиш — касаба союзларининг, барча ишлаб чиқариш коллективларининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Шу мақсадда меҳнат коллективлари тўғрисидаги қонундан ҳозиргига қараганда активроқ фойдаланиш лозим. Турмушимизнинг барча проблемалари меҳнат коллективларида кўзгудагидек акс этмоқда. Планлар меҳнат коллективларида амалга оширилмоқда, янги ғоялар синовдан ўтказилмоқда, кадрлар вояга етмоқда. Масалан, «юқоридан юзаки кўз югуртириш» эмас, балки қўйи бўғинлардаги вазиятни синчиклаб ўрганиш ва ҳисобга олиш бригада хўжалик ҳисобини, айни хўжалик ҳисобини янада ғайрат билан жорий этишга ёрдам беради. Чунки, бригадалар кўп, саноатда эса, масалан, ҳозирча уларнинг атиги бешдан бир қисмигина хўжалик ҳисоби асосида ишламоқда.

Ўзларингиз ҳам яхши биласизларки, бригадада ҳар қандай киши кўзга яққол ташланиб туради, коллектив аъзоларининг ўзлари ҳар бир кишининг биргаликда меҳнатдаги иштироки даражасига баҳо берадилар. Бунда иш ҳақида ҳам, бошқа моддий ва маънавий рағбатлантириш формаларида ҳам социал адолат принциплари тўлиқроқ амалга оширилади. Бу ерда айёрлик қилиш, ўзгалар паноҳига яшириниш мушкул бўлиб, мажбуриятларнинг ишлаб чиқариш пировард натижалари билан боғлиқлиги равшан кўриниб туради.

Бинобарин, коллективларда резервларни кун сайин синчиклаб излаш, «қуйида ҳам», «юқорида ҳам» деганларидек, талабчанлик вазиятини вужудга келтириш кўп даражада касаба союзларига боғлиқ. Бироқ кўпинча касаба союз комитети ҳамма ишда қатнашаётгандек бўлса-да, аммо кучни сарфлайдиган асосий нуқталарни белгилаб олмаган, деган таассурот туғилади. Натижада мусобақани ташкил этишда кўпинча содир бўлаётганидек, талайгина ташаббус «қоғозга», тадбирларни «ихтиро этиш» ва «расмийлаштиришга» сарфланади.

Расмиятчилик— омманинг бевосита ижодкорлиги бўлмиш мусобақанинг ашаддий душманидир. Мажбуриятлар баъзида «нусха кўчириб» ёзилиши ва қатнашчиларга фақат имзо чекиш учун берилиши сир эмас. Мусобақа кўрсаткичлари корхонанинг, тармоқнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олмай белгиланади. Мусобақа қатнашчиларининг шахсий мажбуриятларини олиб кўрайлик. Бу ишнинг ўзи яхши. Бироқ, ишчи, инженер аслини олганда, ўзларининг бевосита хизмат вазифаларини қайтадан кўчириб ёзиб, уларни бажаришга сўз беришларининг нима кераги бор? Ахир бу мусобақа ғоясининг ўзини бузишдан бошқа нарса эмаску.

Мана шундай масалани ҳам ўйлаб кўриш керак: мусобақа ва ташаббусларнинг тури ниҳоятда кўпайиб кетмаганмикин? Буниси ҳамиша ҳайрли бўлавермайди. Мусобақанинг энг қимматли томони — юксак натижаларга эришишдан, илғор ишлаб чиқариш тажрибаси, меҳнатнинг новаторлик усуллари ва методларининг бунёдга келишидадир. Кўпдан-кўп ташаббусларни уларнинг реал самараси билан чамалаб кўриладиган бўлса, уларнинг баъзилари етарли ўйлаб кўрилмаган, деган хулосага келмаслик мумкин эмас.

Касаба союз ва хўжалик органларининг ана шу йўналишдаги ишини кучайтириш керак, деб ҳисоблайман. Реал ишларни жарангдор шиорларни кўтариб чиқиш билан, жонли иш олиб боришни эса кўпдан-кўп ва ўйлаб чиқарилган тадбирлар ўтказиш билан алмаштириш мумкин эмас.

Бошқа етилган масалалар ҳам бор. Булар — мусобақани ташкилий-техникавий жиҳатдан таъминлаш учун, мажбуриятларнинг иқтисодий асосланганлиги, уларнинг тиғизлиги учун масъулият, қолибларни рағбатлантиришда текисчиликка барҳам бериш, илғорларнинг обрў—эътиборини ошириш ҳақидаги масалалардир. Ютуқларнинг ҳам, нуқсонларнинг ҳам аниқ мезони бўлиши керак. Учрашув қатнашчилари бу ва бошқа масалалар хусусида ўз фикрларини айтадилар, деб ўйлайман.

Бугун ичкиликбозликка қарши кураш сингари мураккаб проблемага ҳам тўхталиб ўтишга руҳсат этгайсиз. Амалга оширилган тадбирларни, гарчи бундан норози кишилар бўлса ҳам, меҳнаткашлар қизғин қўллаб-қувватлашди. Умид бахш этувчи натижалар ҳозироқ кўриниб турибди. Вино-ароқ маҳсулотларини истеъмол қилиш камайди. Одамлар ичкиликбозликка нисбатан муросасиз бўлмоқдалар. Ишлаб чиқаришда бўлгани каби шаҳар ва қишлоқларнинг кўчаларида тартиб анча мустаҳкамланди. Сизларга айтишим мумкинки, кейинги уч ой мобайнида шикастланиш ҳоллари кескин камайди. Бу эса минглаб кишиларнинг саломатлигини сақлаб қолиш имкониятини берди. Кишилар саломатлиги ҳамма нарсадан ҳам кўра қимматлидир.

Демак, катта иш бекорга бошлаб юборилгани йўқ. Мўлжалланган ишни оғишмай амалга оширамиз. Ҳушёрликни жамиятимиз ҳаётининг нормасига айлантириш учун узоқ вақт, қунт билан иш олиб бориш кераклигини яхши тушунамиз. Бунинг учун сабр-тоқатимиз етарлидир. Яна бунинг устига бундай йўлни амалга оширишда КПСС Марказий Комитети бутун халқнинг қўллаб-қувватлашига, жамоатчилик фикрининг етуклиги ва куч-қудратига таянмоқда.

Ўртоқлар! Стахоновчилик ҳаракатининг яна бир ўзига хос белгиси бор: бу ҳаракат ёшлар орасида туғилди. Унинг ташаббускорлари ёши ўттиздан ошмаган кишилар эди. Бу қонунийдир, зотан бирон-бир катта тарихий вазифа ёшларнинг актив, фаол ва ҳар томонлама иштирокисиз ҳал этилиши мумкин эмас. Жамиятимиз олдида турган ғоят катта новаторлик вазифаларини ҳал этишда ёш авлоднинг ғайратшижоатидан тўлиқ фойдаланиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Баъзан ҳозирги ёшлар граждан етуклигига секинлик билан эришмоқдалар, дейишади. Кекса авлодга мансуб баъзи кишилар эса бу хусусда ҳатто жаврашади ҳам. Бироқ, гапнинг пўсканалаштирилиши айтганда, биз ҳозирги совет ёшларидан мамнун бўлишимиз мумкин. Бизнинг йигит ва қизларимиз— индустрлаш йилларида ўша пайтлар учун мисли кўрилмаган меҳнат унумдорлиги рекордларини қўйган. Уруш жанггоҳларида биринчи бўлиб ҳужумга ташланиб, душман амбразурасига кўксини қалқон қилган, ҳаво ва танк жангларида душман машиналарига дадил, тик борган кишиларнинг фарзандларидир ва набираларидир. Улар қўриқ ерларни ўзлаштирган, Қутб тундрасида ва Сибирь тайгасида нефть ва газ қазиб чиқарган кишиларнинг фарзандлари ва набираларидир. Улар Сиз билан бизларнинг фарзандларимиз ва набираларимиз, бизнинг сафдош ўртоқларимиздир. Улар бугунги кунда ҳам фидокорона меҳнат, Ватанга хизмат қилиш ва содиқ бўлишнинг энг юксак намуналарини бутун оламга кўрсатмоқдалар. Улар БАМни қураётган, янги шаҳарларни бунёд этаётган, дон етиштираётган, Ватан чегаралари посбонлигида содиқ хизмат қилаётган кишилардир.

Партия, халқ совет ёшларининг социалистик ва коммунистик қурилишга қўшаётган ҳиссасини юксак баҳолайди. Биз ёшларимизга ҳар жиҳатдан ишонамиз, улар ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўзларини намоён қилишлари, ўз қобилиятларини кўрсатишлари учун кенг имкониятлар яратиб бериш ҳақида ғамхўрлик қилмоқдамиз.

Партия комитетлари, хўжалик органлари комсомол билан биргаликда ёш новатор ишчилар, инженерлар, олимларнинг ғайрат-шижоати ва истеъдодидан, ҳамма янги нарсаларга қизиқишидан, қолоқлик ва консерватизмга муросасизлигидан, меҳнатда шон-шуҳрат интилишларидан янада тўлиқ фойдаланиш йўллари ва формаларини қидириб топса бундан социалистик жамиятимиз фақат наф кўради. Шу жумладан, мусобақа йўли билан ҳам бундан фойдаланиши зарур. Ишлаб чиқариш, фан, бошқариш, маданият соҳаларидаги раҳбарлик ишларига истиқболли мутахассисларни ўз вақтида кўтариш ҳам муҳимдир. Бу ҳамиша ўзини оқлайди.

Эҳтимол, сизлар телевидение орқали «Сиз бунга қодирсиз» туркумидаги кўрсатувларнинг бирини кўргандирсиз. Унда гап ўз қўллари билан енгил автомобиллар яратаётган моҳир кишилар тўғрисида борган эди. Машиналарнинг кўпгина моделлари кўрсатилди, уларнинг бири сезиларли равишда ажралиб туради. Уни ленинградлик икки ёш ишчи — кечки институтда ўқиётган Дмитрий Парфёнов билан кема приборсозлиги техникумини тамомлаган Геннадий Хаинов ясашган. Йигирма беш ёшли бу йигитлар уч йил ичида оригинал конструкциядаги автомобилни мос бўлмаган шароитда қура олдилар. Улар ўзларининг юксак даражада техникавий билимдонлигини ва фикрлаш қобилиятининг кенглигини кўрсатдилар. Ана шу моҳир усталарга махсус лаборатория ажратиб, ҳозир тўғри қилишди, деб ўйлайман. Улар ана шу лабораторияда ўз ишларини давом эттира оладилар.

Биз ёшларнинг техника ижодкорлиги учун мумкин бўлган барча воситалар билан имконият яратишимиз кераклигини таъкидлаш учун атайлаб шу мисолга тўхталиб ўтдим. Ёшларнинг ижодий потенциалини жамият социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга қаратиш учун имконият яратибгина қолмай, шу билан бирга, барча зарур шароитларни ҳам вужудга келтириш лозим. Ҳозир ушбу масалалар юзасидан тайёрланаётган таклифларни партия Марказий Комитети кўриб чиқади.

Бундан бир йил муқаддам КПСС Марказий Комитети «Комсомолга партия раҳбарлигини яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Бу қарор партия ва комсомол ташкилотларида ишчанлик билан муҳокама этилди ва шубҳасиз, комсомолнинг фаолияти активлашишига, амалий, жонли ишлар билан бойишига ёрдам берди. Энг муҳим вазифаларга қизиқиш кучайиб, расмиятчилик ҳоллари камайди. Аммо ҳали кўп иш қилиш керак.

Гап нима ҳақида бормоқда? Гап комсомол Ленининг коммунизм қуришни ўрганиш, кун сайин заводда ва далада, синфда ва лабораторияда ўрганиш, кундалик ишни коммунистик истиқбол билан боғлай билиш ҳақидаги васиятини қатъият билан амалга ошириши хусусида бормоқда. Ёшларни қизиқтираётган, тўлқинлантираётган ва ташвишлантираётган ҳамма нарса комсомолнинг ишидир. Унинг иш услуби ва методлари жонли, қизиқарли бўлиши, амалда ҳам, шакл жиҳатидан ҳам айни навқирон ва ёшларга хос бўлиши, олдиндан уюштиришлардан, кампаниячиликдан, ҳар қандай ясамачиликдан ҳоли бўлиши керак. Ҳолбуки, мана шу нарсаларга ҳамон озмунча куч . ва маблағ сарфланаётгани йўқ.

Ўртоқлар! Мамлакатимиз ҳаётида масъулиятли давр бошланди. Шу йил ва умуман беш йиллик планларининг тақдири ҳал бўлмоқда. Партиянинг навбатдаги съездига тайёргарлик кенг қулоч ёзмоқда, бу эса партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари турмуши ва фаолияти активлигини, бутун ижтимоий муҳитни белгилаб бермоқда.

Партия амалга оширилган ишларни чамалаб кўриб, истиқбол йўлини аниқлаб олаётган бугунги кунда энг муҳим масалалар хусусида сизларнинг фикр ва таклифларингизни билиш биз учун муҳимдир. Марказий Комитет ишчилар, колхозчилар, мутахассислар, олимлар фикрига ҳамиша диққат билан қулоқ солади, ўз сиёсатини омманинг тажрибаси билан таққослайди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки партия иши — халқ ишидир.

Жамият олдида турган проблемаларнинг муваффақиятли ҳал этилишига партиянинг ишончи комилдир. Шунинг учун ҳам партия ҳаракатининг аниқ программасига эга бўлиб, халқнинг ижодий кучига, ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг уюшқоқлиги ва интизомига, юксак сиёсий ва профессионал маданиятига таянади. Партия йўлининг амалга оширилиши Ватанимизнинг янада бой ва қудратли, совет кишилари ҳаётининг янада гўзал, ривожланишимизнинг янада бой ва жўшқин бўлишига олиб келади.

Мана шулар йўлида, буюк идеалларимиз йўлида яшасак арзийди, меҳнат қилсак арзийди, курашсак арзийди!

(Давомли қарсаклар).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

(Боши биринчи бетда).

буюмларини бемалол танлаб олишини таъминлаш белгиланди. Аҳолига кўрсатиладиган ҳақ тўланадиган хизмат ҳажми 1,3—1,4 баравар кўпайтирилади, шу билан илғор хизмат кўрсатиш формаларини ҳамда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг кундалик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган янги турдаги хизматларни тезроқ ривожлантириш кўзда тутилди.

Молларнинг ва кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини оширишга, истеъмол хусусиятлари яхшиланган янги моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, мода талабларини ва аҳолининг эҳтиёжини миллий анъаналарни, одамлар турмушининг табиий-иқлим шароитларини эътиборга олиб, молларнинг турларини ўз вақтида яратилаб туришга алоҳида эътибор берилади.

Программада белгиланган марраларга етиб олиш учун қайси идораларга бўйсунишидан қатъий назар, барча корхона ва ташкилотларни халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришга ва аҳолига хизмат қилишга кенг миқёсда жалб этиш кўзда тутилди. Моллар ишлаб чиқарадиган тармоқларда ва хизмат кўрсатиш соҳасида моддий базани мустаҳкамлаш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, мазкур тармоқлар учун замонавий машиналар, агрегатлар ва технология линиялари системаларини яратиш ва кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштириш белгиланди. Шу мақсадда зарур капитал маблағ ва моддий ресурслар ажратилади. Социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш мўлжалланмоқда.

Ишлаб чиқаришни бошқаришни, молларни реализация қилиш ва хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, мазкур тармоқларни ишчи ва мутахассис кадрлар билан таъминлаш юзасидан зарур тадбирлар белгиланди.

Комплекс программани ривожлантириш юзасидан спорт ва туризм моллари ишлаб чиқаришни ошириш, турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда шу молларга бўлган талабни тўла-тўкис қондириш, шунингдек гражданларга қарашли енгил автомашиналарнинг техникавий хизмати ва ремонтини янада яхшилаш ва автомобилларга запас қисмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш тадбирлари маъқулланди. Шу тадбирларнинг амалга оширилиши меҳнаткашларнинг бўш вақтини, дам олишини ва турмушини ташкил этишни яхшилаш учун шароит яратишга кўмаклашади, бу эса мамлакатда ичкиликбозликка ва алкоголизмга қарши авж олдирилган кураш шароитида айниқса муҳимдир.

Комплекс программада белгиланган топшириқлар муваффақиятли бажарилишини таъминлаш мақсадида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг шу топшириқларни бажаришда юксак натижаларга эришиш учун социалистик мусобақани авж олдириш, коллективларни маънавий ва моддий рағбатлантириш тўғрисидаги қарори қабул этилди.

КПСС делегациясининг мамлакатимизга келган Япония социалистик партияси делегацияси билан учрашувлари якунлари маъқулланди. Музокаралар чоғида халқаро аҳволнинг кўпгина туб масалалари юзасидан иккала партиянинг фикрлари ўхшашлиги ёки муштараклиги аниқланганлиги қайд этилди, СССР билан Япония ўртасида чинакам яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатиш муддаоси тасдиқланди. Москвада КПСС ва ЯСП делегациялари ўртасидаги музокаралар ядро уруши хавфини тугатиш, Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш учун иккала партиянинг биргаликдаги курашини кучайтиришнинг янги омили бўлиб хизмат қилади, деб ишонч билдирилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида ўртоқ Л. Н. Зайков бошчилигидаги СССР Олий Совети делегациясининг Германия Демократик Республикасига қилган визити якунлари маъқулланди, шунингдек мамлакатни иқтисодий ва маданий ривожлантиришнинг, қардош социалистик давлатлар билан алоқаларни мустаҳкамлашнинг, халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги сиёсатини амалга оширишнинг баъзи бошқа масалалари юзасидан қарорлар қабул қилинди.

М. С. ГОРБАЧЕВ М. Койвисто билан учрашди

19 сентябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан амалий визит билан ва дам олиш учун Совет Иттифоқига келган Финляндия Республикасининг Президенти М. Койвисто билан учрашди.

Дўстона суҳбат чоғида Совет-Финляндия муносабатларини янада ривожлантириш истиқболлари, шунингдек иккала давлат куч-ғайрат сарфлаб ҳал этишга интилаётган бир қанча етук халқаро проблемалар муҳокама қилинди.

Иккала томон Совет—Финляндия ҳамкорлигини ҳар қандай халқаро шароитларда дўстлик ва ишонч йўлининг ўзгармаслигини таъминлайдиган узоқ муддатли, принципиал омиллар асосига бундан буён ҳам қуравериш ниятини тасдиқлади. Шу муносабат билан дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги 1948 йил Шартномасининг сўнмас аҳамияти таъкидланди, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати XXI асрнинг бошигача узайтирилганлиги унинг ҳамма принциплари ва қоидалари ҳаётийлигини тасдиқлади ва Совет—Финляндия яхши қўшничилигининг истиқболларини пухта равишда гарантиялади.

М. С. Горбачев билан М. Койвисто сиёсий ҳамкорликни, савдо-иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги тенг ҳуқуқли алоқаларни, халқаро майдондаги самарали ўзаро баҳамжиҳат ҳаракатларни янада чуқурлаштириш иккала мамлакат халқлари манфаатларига, Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишлари манфаатларига мос бўлиб тушар эди, деган фикрни айтдилар. Совет-Финляндия муносабатларини белгиловчи хусусиятлар бўлиб қолган дўстлик ва ўзаро ишончли совет ва Финляндия халқларининг бахт-саодати йўлида биргаликдаги куч-ғайратлар билан эҳтиёт қилиб ардоқлаш лозимлиги таъкидланди.

Халқаро проблемалар ҳусусидаги фикрлашувлар чоғида уруш хавфини тугатишга, қуролланиш, айниқса ядровий қуролланиш пойгасини жиловлашга, космосни ҳарбийлаштиришнинг олдини олишга эришишга зўр ғайрат билан интилиш, барча давлатларнинг тинч ҳамкорлиги йўлга қўйилишига, давлатлараро муносабатлар кескинликни юмшатиш ва ўзаро ишонч изига қайтарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш зарур, деган фикр тасдиқланди.

Президент М. Койвисто ядро қуролининг ҳар қандай синовларини ўз иҳтиёри билан тўхтатиб қўйиб, АҚШни ҳам шундай қилишга чақирган ва БМТ Бош Ассамблеяси 40-сессиясининг кун тартибига космик фазони ҳарбийлаштирмаслик шароитида уни тинч ўзлаштиришда халқаро ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги масалани киритишни таклиф қилган Совет Иттифоқининг ташқи сиёсат соҳасидаги янги ташаббусларини юксак баҳолади.

Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган давлатлар ташқи ишлар министрларининг Хельсинкида бўлиб ўтган учрашуви 10 йил муқаддам Якунловчи актга ёзиб қўйилган ҳамма принциплар ўз кучини тўла-тўкис сақлаб қолаётганлигини тасдиқлаганлиги қайд этилди. Айниқса ҳозир Европа халқларининг тинчлиги ва хавфсизлиги манфаатлари йўлида барча давлатларнинг ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама асосдаги ҳамкорлигини ривожлантириш соҳасидаги куч-ғайратларини ошириш талаб қилинади. СССР билан Финляндия бу йўлда актив ҳаракат қилаверадилар.

Совет томони Финляндиянинг Европа шимолида ҳавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган куч-ғайратларини ижобий баҳолади, бу районни халқаро кескинлик ва можаролардан ҳоли сақлашга кўмаклашишга тайёр эканини билдирди. Шу мунсабат билан Финляндиянинг Европа шимолини ядро қуролидан ҳоли зона деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифи тобора зўр актуаллик касб этмоқда.

М. С. Горбачев билан М. Койвисто СССР ва Финляндия раҳбарларининг шаҳсий мулоқотлари практикасини давом эттириш кераклигини айтдилар, бу практика Совет—Финляндия ҳамкорлигининг принципиал масалаларини муҳокама қилиш ва ҳал этиш, тинчлик ва халқаро ҳавфсизлик масалаларига бир хилда ёндашиш йўлларини топиш имконини беради.

Президент М. Койвисто КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевга Финляндияга ташриф буюриш тўғрисидаги таклифни такрорлади. Таклиф миннатдорчилик билан қабул этилди.

* * *

Шу куни Кремлда М. Койвисто ва унинг рафиқаси шарафига зиёфат берилди. Самимий ва дўстона вазиятда ўтган зиёфатда М. С. Горбачев ва А. А. Громико рафиқалари билан бирга, шунингдек Совет ва Финляндия томонидан бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

УЗЛУКСИЗ ШИТОБЛИ ЖАРАЁН

Ўзбекистоннинг миллионмиллион меҳнатчилари КПСС XXVII съездини меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олиш иштиёқига тўлиб-тошганлар. Шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнат коллективлари партия Марказий Комитети 1985 йил март ва апрель Пленумларининг қарорларига, КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишланган кенгашнинг йўл-йўриқларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг нутқларига амал қилиб, мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш вазифаларини амалга оширишга актив қўшилдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларини амалга ошириш республикамиз турмушидаги кўпгина ижобий ҳодисаларга кўмаклашмоқда.

20 сентябрь куни республика шаҳар ва қишлоқларида «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорлари — ҳаётга!» мавзуида бўлиб ўтган ягона сиёсий кунда шу ҳақда гапирилди. Докладчилар завод ва фабрикаларнинг қизил бурчакларида, муассасаларда ва ўқув юртларида, ёзги агитация майдончаларида, истиқомат жойларида, дала шийпонларида шуни таъкидладиларки, республика Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида хўжалик ва жамоат турмушининг ҳамма соҳаларидан салбий ҳодисалар ва тенденцияларни қатъиян суриб чиқариш, республикадаги маънавий — психологик вазиятни тубдан соғлом лаштиришга эришиш вазифаси қўйилди. Пленум ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциалидан етарлича самарали фойдаланилмаслигининг сабабларини талабчанлик билан таҳлил этди, партия, давлат, план интизомини бузиш фактларини қаттиқ қоралади, қўшиб ёзиш, порахўрлик, ўғриликка қарши, қонун ва коммунистик аҳлоқ нормаларидан чекиниш ҳолларига қарши курашни кучайтириш тадбирларини белгилади, деб ўқт

КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ЛЕНИНЧА УСЛУБ УЧУН

(Боши биринчи бетда).

янада чуқурлаштиришга, вужудга келадиган қийинчиликлар ва зиддиятларни ҳал этишнинг, иш услубини, кадрларни тарбиялашни такомиллаштиришнинг методи бўлган танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришга, алоҳида эътибор берилмоқда.

Қўпчилик область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари иш услуби ва методларида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Бу эса уларнинг сиёсий раҳбарлик органлари сифатидаги ролини ошириб, уларга ишнинг аҳволини чуқур ўрганишга, асосий масалаларни таҳлил қилиб, собитқадамлик билан самарали ҳаракат қилишларига имкон бермоқда. Айни пайтда бундай ёндашув барча кадрларимиз эътиборини ишнинг сиёсий жиҳатларига қаратмоқда, ташкилотчилик ва тарбиявий ишларнинг аҳволи учун уларнинг жавобгарлигини оширмоқда, уларни бутун куч-ғайратни олдинда турган вазифаларнинг энг асосий бўғинларига қаратишга йўналтирмоқда.

Партия комитетларининг бурчи кадрлар сўз ва иш бирлигини, вазифаларни ҳал этишга илмий асосда ёндашишни, аниқ йўлга қўйилган контрол ва ижрони, мутаассиблик ва қолоқликка нисбатан муросасиз бўлишни ўзида мужассамлаштирувчи ленинча иш услубини эгаллаб олишлари тўғрисида доимий ғамхўрлик қилишдан иборат.

Ҳозирги вақтда кадрлар сиёсати етакчи тенденциясининг принципиал хусусияти шундан иборатки, барча тармоқлардаги, ҳамма бўғиндаги раҳбарларнинг сиёсий ахлоқий фазилатларига, профессионал хусусиятларига, уларнинг уюшқоқлик ва масъулияти даражасига нисбатан ғоят юксак талаб қўйилмоқда. Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи эндиликда эскича ишлашга йўл қўймайди, экономикани ривожлантиришнинг, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг сифат кўрсаткичлари шиддатли ўсишига ёрдам берадиган янги методларнинг зарурлигини тақозо этмоқда, деб таъкидланди конференцияда.

Ҳозирги вақтда КПСС Марказий Комитети кишиларни тарбиялашда, коллективдаги маънавий психологик муҳит учун, хўжалик фаолиятининг идеологик оқибатлари учун раҳбарларнинг шахсий иштироки ва масъулияти масаласини ғоят ўткир қилиб қўймоқда.

Сўнгги йилларда республикада тобора кўпроқ раҳбарлар ва мутахассислар пропагандист, лектор, сиёсий ахборотчи ва агитатор сифатида иш олиб бормоқдалар. Барча раҳбар ходимларни жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг ягона сиёсий кун каби формаларига жалб этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Раҳбар кадрларимизнинг кўпчилиги тўғри хулоса чиқариб олдилар, асосий кучғайратни ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантиришга, хўжалик юритишнинг таъсирчан тежамкор воситаларини, бошқаришнинг замонавий методларини жорий этишга қаратиб, ўз ишларини кўп жиҳатдан қайта қурдилар. Масалан, сиёсий етук, ҳақли обрў-эътибор қозонган В. Н. Сигедин, У. Исмоилов, И. Х. Мусин, С. Тўхтабоев, С. Н. Раҳмонова бошчилик қилаётган Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «СССР 50 йиллиги» номидаги «Тошкент трактор заводи», Наманган аврли газламалар комбинати, Қўқондаги Охунбобоев номли тикувчилик фабрикаси ва бошқа бир қанча корхоналар бир маромда ривожланиб бормоқда.

Шу билан бир пайтда баъзи раҳбарлар ҳамон эскичасига, ташаббус кўрсатмай ишламоқдалар. Улар эскирган категориялар билан фикр юритиб, ҳозир ҳам мумкин қадар кўпроқ капитал маблағ, бошқа ресурслар «ундириб» олишга, ишлаб чиқариш планларини эса камроқ олишга интилмоқдалар.

Ҳозирги давр экономикамизни тубдан қайта қуришни, янгича ишлашни урганиб олишни талаб қилмоқда. Бошқача йўл йўқ. Ҳар бир корхонани, тармоқни, бутун халқ хўжалигини интенсивлаш йўлига ўтказиш учун ҳар бир раҳбар жавобгардир. Кадрларнинг сиёсий етуклиги ва ишчанлиги шу билан, фақат шу билан ўлчанади. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш — умумпартиявий, умумхалқ иши эканлигини улар ёдда тутишлари лозим. Ана шу чинакам оммавий курашда ҳар бир раҳбар ўз шахсий намунаси билан кишиларни эргаштира олиши учун биринчи сафда бориши керак. Ишлаб чиқаришни шундай қилиш ташкил этишга, технологияни шундай янгилашга эришиши керакки, булар меҳнат унумдорлигида, ишлаб чиқаришнинг фонд ва материалга талабларини камайтиришда, маҳсулот сифатини тубдан яхшилашда чинакам революцион силжишларни таъминласин.

Озиқ-овқат программасини амалга оширишга республика қўшадиган ҳиссани кўпайтириш кадрларнинг алоҳида эътибор беришини талаб қилади. Республика агросаноат комплекси ихтиёридаги ҳамма нарсаларнинг юксак самара беришини таъминлаш биринчи галдаги вазифадир. Бу эса деҳқонларнинг ишнинг кўзини билиб, моҳирона ишлашларини талаб қилади. Кадрларни ўқитиш керак — чуқур билимларсиз қишлоқ хўжалигига муваффақиятли раҳбарлик қилишни таъминлаб бўлмайди.

Кадрларнинг сиёсий, ишчанлик фазилатлари уларнинг ахлоқий-маънавий позициялари билан узвий боғлиқдир. Партиямизда ленинча-большевикча этика қарор топди ва давр синовидан ўтди. Бу этика буюк ғоявий-маънавий бойлигимиздир.

Шу этика раҳбарнинг шахсий фазилатларига юксак талаблар қўяди. Раҳбар ходим самимийлиги, ҳалоллиги, ўзига ва бошқаларга нисбатан қаттиқ талабчанлиги, камтарлиги ва сезгирлиги, ўз сўзининг устидан чиқиши, одоблилиги, меҳрибонлиги билан ажралиб туриши керак. Ҳаётни чуқур билмаса, меҳнатсеварлик ва ишчанлик кўрсатмаса, янгиликни тез пайқай олмаса, кишиларга ҳақиқатни айта олмаса, ва бу ҳақиқат нақадар кўнгилсиз бўлмасин, уни тинглай олмаса, бундай раҳбар обрў-эътибор қозонмайди, бинобарин ўз атрофидаги кишиларга ҳам маънавий таъсир ўтказа олмайди.

Ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонларнинг энг яхши намояндаларини раҳбарлик лавозимларига кўтаришга катта эътибор берилаётгани конференцияда таъкидлаб ўтилди. Сайлаб қўйиладиган партия органларида уларнинг вакиллари ҳам кўп. Ҳозир район, шаҳар, область партия комитетлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолари ва аъзоликка кандидатлари орасида улар 44 процентни ташкил этади. Халқ депутатлари Советларида ишчилар ва деҳқонлар сони ҳам сезиларли даражада кўпайди.

Ишлайдиган илғор хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш КПСС кадрлар сиёсатининг етакчи анъаналаридан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Ҳозирги вақтда, область, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари орасида хотин-қизлар 32 процентни ташкил этади, улар бошланғич партия ташкилотларининг учдан бир қисмидан кўпроғига бошчилик қилмоқдалар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область, шаҳар, район комитетлари ходимларининг 24 проценти хотин-қизлардир. Раҳбар касаба союз ходимлари орасида хотин-қизлар 30 процентдан кўпроқдир.

Бироқ, партия комитетлари хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш ва кўтаришнинг мавжуд имкониятларидан ҳали ҳам тўла фойдаланмаётирлар.

Кадрларни пастдан юқори кўтариш, жой-жойига қўйиш ва контроль қилишнинг демократик тартиби кадрларга объектив баҳо беришга кўмаклашади. Мансабдор шахсларнинг партия ташкилотларида ҳисоб бериб туриши ҳозирги вақтда ғоят актуал бўлиб бормоқда. XVI пленумдан сўнг 70 мингдан ортиқ мансабдор шахслар партия ташкилотларида ҳисоб бердилар.

Партия, совет ва жамоат органлари ходимларини аттестациядан ўтказиш кадрларни батафсил ўрганишга ва уларнинг фаолиятига объектив баҳо беришга имконият яратади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1984 йилда ўтказган аттестация айрим раҳбарларнинг назарий тайёргарлиги бўшлигини, раҳбарликнинг сиёсий методини етарли билмаслигини, ҳал этиш ўзларига ишониб топшириб қўйилган проблемаларини яхши билмасликларини кўрсатди. Партия комитетлари барча бўғинлардаги, ҳамма тармоқлардаги раҳбар кадрларни аттестациядан ўтказишнинг илмий асосланган системасини ишлаб чиқиш билан жиддий равишда шуғулланишлари керак.

Амалий резервни вужудга келтириш барча бўғинлар ва тармоқлардаги раҳбар кадрларнинг сифат составини яхшилашнинг энг асосий шартларидан биридир. Кадрлар резерви билан ишлашни у ёки бу регионни ривожлантириш истиқболларини эътиборга олиб, яқин вақт ичида ва бир неча йилдан кейин раҳбар кадрларга бўладиган эҳтиёжларни назарда тутиб ижодий йўлга қўйиш лозим.

Кадрлар сиёсатини муваффақиятли ўтказишда В. И. Ленининг тажрибали ва ёш, серғайрат, истиқболли ходимлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш тўғрисидаги кўрсатмаси муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай бирлик коммунистик қурилиш манфаатларига жуда яхши мос бўлиб тушади, сиёсий раҳбарликнинг, партия анъаналарининг давомийлиги зарур шарти бўлиб қолаверади.

Республика партия ташкилоти коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этаётганда оммавий давлат ва жамоат ташкилотларига таянаётганлиги конференцияда уқтириб ўтилди. Халқ депутатлари Советлари ишончли таянчдир. Ўзбекистон ССР Олий Советида, Қорақалпоғистон АССР Олий Советида ва республика маҳаллий Советларида 104 мингдан кўпроқ депутат бор. Улар аҳолининг ҳамма табақалари вакилларидир. Касаба союзлари — Ўзбекистон меҳнаткашларининг энг оммавий ташкилотидир. Улар 6 миллион 400 мин меҳнатчини бирлаштириб турибди. Бутун ишчилар синфи, меҳнаткаш зиёлилар, республика қишлоқ хўжалиги ходимларининг кўп сонли отряди касаба союз ташкилотларига бирлашган. Партия комитетлари касаба союзларининг зўр бунёдкорлик кучини халқ хўжалик топшириқларини бажаришга, одамларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга сафарбар қилишга интилишлари керак.

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи партия ташкилотининг ишончли ёрдамчиси ва жанговар резервидир. Унинг сафларида 3 миллион 300 минг киши бор. КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарорига амал қилиб йигит ва қизларнинг бутун куч-ғайрати ва ижодийтини фан-техника тараққиёти суръатларини ҳар томонлама жадаллаштиришга қаратиш лозим. Ёшларнинг революцион ғайрат-шижоати ва ижодий изланиши айнан шу соҳада айниқса зарурдир, улар айни шу соҳада жамиятимизга жуда зарур бўлган янги-янги кашфиётлар қилишлари керак.

Кадрларни тарбиялаш — аввало уларни ўқитиб ўргатиш, назарий ва амалий жиҳатдан ўқитиб ўргатиш де маклигини тажриба кўрсатиб турибди, дейилди конференцияда. Республикада раҳбар кадрларнинг ғоявий савиясини оширувчи кенг тармоқли система ишлаб турибди. Партия комитетлари ҳузуридаги партия-хўжалик активларининг 266 та доимий мактаби ишлаб турибди. Ўқишнинг ҳамма формаларига 22 мингдан кўпроқ раҳбар ходим тортилган.

Шу билан бирга барча бўғин ва тармоқларнинг раҳбар кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашни яхшилаш учун ҳали кўп иш қилиш лозим. Ўқув жараёнининг сифатини ошириш, ленинча иш услубини чуқурроқ ўрганишда, фан-техника тараққиёти масалаларини, актуал ташқи сиёсий проблемаларни ижодий идрок этишда кадрларга ёрдам бериш лозим.

Партияда бошланган ҳисобот-сайлов кампанияси кадрларга оид етук масалаларни ҳал этиш учун яхши имконият беради. Тажрибали кадрларни эҳтиёт қилиб асраш ва айни вақтда омма орасида жонли ташкилотчилик ишини ўтказишга ноқобил ташаббуссиз ва сусткашкишилардан халос бўлиш керак. Сайлаб қўйиладиган партия органини тузишга алоҳида масъулият билан ёндошиш лозим. Бу активлар орасида халқ хўжалиги мутахассислари кўпроқ бўлиши керак. Улар янгиликни ҳис этадиган, меҳнат коллективлари билан чамбарчас боғланган, сиёсий жиҳатдан етук коммунистлар бўлиши керак. Вазифа шундан иборатки, сайлаб қўйиладиган органнинг состави ҳар бир партия ташкилоти олдида турган вазифаларга энг яхши тарзда мос келиши, чинакам ваколатли характерда бўлиши лозим.

Съезд олди даврида Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнатчилари бирталай мураккаб ва зарур вазифаларни ҳал қилишлари керак. Шу йилги ва умуман беш йилликдаги план ҳамда мажбуриятларни муваффақиятли бажариш, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш — шу вазифаларнинг энг муҳимидир. Бундай қилиш эса бутун ташкилий-партиявий ва идеологик иш савиясини янада оширишни талаб қилади, деб таъкидланди конференциядаги докладларда.

Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. С. Саликов «Кадрларнинг ташаббусини ривожлантиришда ва масъулиятини оширишда партия контролининг роли» деган мавзуда гапирди. Фарғона область партия комитетининг иккинчи секретари А. И. Барулин сайлаб қўйилган активлар билан ишлаш формалари ва методларига тўхталиб ўтди. Хоразм область партия комитетининг иккинчи секретари Ю. П. Гудков партия комитетлари кадрларининг номенклатураси билан ишлаш тажрибаси билан конференция қатнашчиларини таништирди. Тарих фанлари доктори, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси партия қурилиши кафедрасининг профессори С. А. Назаров кадрлар сиёсатида интернационализм принципларини амалга ошириш ҳақида гапириб берди. «Тажрибали ва ёш кадрлардан биргаликда фойдаланиш — раҳбарлик давомийлигини таъминлашнинг муҳим шарти» мавзуида Самарқанд область партия комитетининг иккинчи секретари Е. Е. Березиков нутқ сўзлади.

Андижон область партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Смейошчев ўз нутқини хотин-қизларни раҳбарлик ишига тайёрлаш ва кўтариш практикасига бағишлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлимининг мудири В. И. Плетнев агросаноат комплекси раҳбар ходимларининг ижодий ташаббусини ривожлантириш ва малакасини ошириш ҳақида гапирди. Конференцияда Сирдарё область партия комитети ташкилий-партиявий иш бўлимининг мудири И. С. Ступин ишчиларни ва колхозчиларни раҳбарлик ишига кўтариш практикаси ҳақида гапириб берди. Навоий областидаги Шимолий руда бошқармаси партия комитетининг секретари В. В. Казанцев ўз нутқини кадрлар масаласини ҳал этишда бошланғич партия ташкилотларининг ролини оширишга бағишлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг партия қурилиши сектори мудири Ш. С. Зиёмов «Ленинча иш услубини эгаллаш — раҳбарнинг муваффақиятли фаолияти асоси» деган мавзуда гапирди.

Илмий-амалий конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, республика Компартияси ревизия комиссиясининг аъзолари, область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, совет, жамоат ташкилотларининг, министрликлар, идораларнинг раҳбарлари меҳнат коллективлари ҳузурида сўзга чиқдилар.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари қатнашдилар.

Конференция ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзТАГ).

УЗЛУКСИЗ ШИТОБЛИ ЖАРАЁН

(Боши иккинчи бетда).

Докладчилар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини турмушга татбиқ этиш соҳасида ҳали бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳақида гапириб, бутун диққат-эътиборни халқ хўжалигининг барча тармоқларини интенсивлаш, мактаб ислоҳотини амалга ошириш йўлларига, олий таълим системасини янада такомиллаштиришга, жамоатчилик фикрини шакллантиришда оммавий ахборот органларининг ва ижодий ташкилотларнинг ролини оширишга қаратдилар. Партиянинг аҳоли кенг қатламлари билан алоқаларини мустаҳкамлашга муҳим аҳамият берилди, бу алоқалар XVI пленумдан кейин анчагина мустаҳкамланди. Бироқ, дейишди докладчилар, республика турмушида рўй бераётган ижобий ўзгаришларни катта ва мураккаб иш йўлида қўйилган дастлабки қадамлар, дебгина белгилмоқ керак.

Совет қонунларини бузувчиларга қарши кураш, меҳнатга лаёқатли жами аҳолини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш, интизомни мустаҳкамлаш, XVI пленумда кўтарилган бошқа проблемалар ҳамон актуал бўлиб турганлиги ягона сиёсий кунда таъкидланди. Ҳозир ўтказилаётган ҳисобот ва сайловлар чоғида, дейишди нотиқлар, республика партия ташкилотлари ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишга ўз таъсирини кучайтиришлари, план топшириқларини сўзсиз бажариш, мўл ҳосилни қисқа муддатларда, ҳеч нобуд қилмай териб олиш учун самарали чоралар кўришлари керак. Бу эса КПСС XXVII съездига ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездига асосий совға бўлади. Докладчилар кўпгина саволларга жавоб қайтаришди.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, республика Компартияси ревизия комиссиясининг аъзолари, область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, совет, жамоат ташкилотларининг, министрликлар, идораларнинг раҳбарлари меҳнат коллективлари ҳузурида сўзга чиқдилар.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари қатнашдилар.

(ЎзТАГ)

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

▲ ЎРТА ЧИРЧИҚ. Охунбобоев номли колхоз деҳқонлари йилдан йилга пахта ҳосилдорлигини ошириб бормоқдалар. Бунга экин майдонларини маҳаллий ўғитлар билан бойитиш, ғўза парваришида агротехника қоидаларига тўлиқ амал қилиш туфайли эришиляпти. Куни кеча хўжалик пахтакорлари ўн биринчи беш йиллик планини муддатидан илгари бажарганликлари ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чекдилар.

Давлатга беш йиллик планда белгиланган 16 минг 915 тонна ўрнига 16 минг 931 тонна пахта хомашёси топширилди. Бу меҳнат муваффақиятидан руҳланган хўжалик деҳқонлари йиғим-терим ишларини кун сайин авж олдириб, юксак социалистик мажбуриятни ҳам шараф билан бажариш учун курашишяпти.

АГРЕГАТЛАР ДАЛАГА ЧИКДИ

▲ ЯНГИЙЎЛ. Район пахтакорлари бу йил етиштирилган жами ҳосилнинг 23 минг тоннасини машиналарда териб олишга аҳд қилишган. Куни кеча район хўжаликларида машина терими уюшқоқлик билан бошлаб юборилди. Айниқса, «Интернационал», «Ленинизм», Н. Ниёзов номли колхозлар механизаторлари «зангори кема»лар штурвалини бошқаришда ўз маҳоратларини кўрсатишди. Н. Ниёзов номли колхоз механик-ҳайдовчиларидан Зиёбек Ўролбоев, Абдуқаюм Валиқулов ҳамда Маҳамаднаби Аҳмедовларнинг ҳар бири шу куни хирмонга 6 тоннадан «оқ олтин» тўкишди.

УНУМИ ЯХШИ!

▲ ОҚҚУРҒОН. Куни кеча район далаларида 70 та «зангори кема» юксак унум билан ишлатилди. Шу куни териб олинган ҳосил ҳар бир машинага ўртача 4 тоннаданга тўғри келди.

Ҳамид Олимжон номли колхознинг Эсергеп Фармонов бошлиқ бригадаси механик-ҳайдовчиси Искандар Алломов дастлабки кунларданоқ яхши натижаларга эришмоқда. У бу йил хирмонга 150 тонна пахта тўкишга сўз берган.

Бригада далаларида қўл теримига алоҳида эътибор бериляпти. Кўпмингкилограммчилар ўртасида ўтказилаётган социалистик мусобақа янада авж олдириляпти. Дилбар Шодмонова, Моҳира Шерназова, Марват Ҳолиқовалар кунига 150 килограммдан ҳосил йиғиштириб олишмоқда.

«КОМСОМОЛ-85» ИШ БОШЛАДИ

▲ ПИСКЕНТ. Свердлов номли колхоз комсомол ташкилотининг секретари Ҳусан Ҳакимов бошчилигидаги 50 кишилик ёшлар отряди йиғим-терим ишларида актив қатнашиш истагини билдиришди. Улар Ўринбой Ҳолматов бошлиқ бригада далаларида меҳнат қилиб, кунига 3 тоннадан пахта теришяпти. Отряд аъзолари бу йил 150 тонна пахта териб беришга аҳд қилишган.

БЎСТОНЛИҚ ҒАЛЛАКОРЛАРИ МАРРАГА ЕТДИЛАР

Бўстонлиқ райони меҳнаткашлари ўрим-йиғим ишларини уюшқоқлик билан ташкил этдилар. Давлатга 2115 тонна ғалла топшириб, йиллик планларини бажардилар.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 20 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — район лар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён машинада (планга нисбатан процент ҳисобида).

Чиноз	1,29	12,02	0,79	1,83
Янгийўл	0,89	7,76	0,15	0,15
Бекобод	0,89	7,21	—	—
Бўка	0,72	4,43	0,28	0,54
Оққўрғон	0,65	4,22	0,41	0,60
Пискент	0,44	3,51	—	—
Ўрта Чирчиқ	0,30	1,56	—	—
Коммунистик	0,17	1,21	—	—
Ғалаба	0,25	1,02	0,24	0,32
Область бўйича:	0,62	4,56	0,20	0,35

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

19 сентябрь куни Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми бўлди. Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин бошқа ишга ўтганликлари муносабати билан пленум уларни ўз вазифаларидан озод қилди. КПСС Марказий Комитети аппаратида ишлаган Б. Ф. Сатин Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратида ишлаган А. И. Фозилбеков шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари қилиб сайландилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ ҚАҲРАМОНЛАР

МУСЛИМОВ ЧИРОҚЛАРИ



...ЎНҚЎРҒОН қишлоғидаги файзли хонадон бирпасда гавжум бўлди-қўйди. Телевизордан Йўлдош Муслимовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилганини эшитган қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар бирин-кетин кириб келаверишди.

...Йўлдош Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозида, Ўнқўрғон қишлоғида ўғилди. Мактабни тугатди, ҳарбий хизматни ўтаб қайтди.

Йўлдош ўйлаб-ўйлаб, барибир ишга киришга аҳд қилди. Отаси колхозда боғбон. Онаси ишламайди. Опасини узатишди. Укалари ёш. Уйда адасининг «ишонгани» ўзи бўлиб қолди. У уйларига яқин жойдаги Тошкент консерва заводининг қурилиш бригадасига ишга кирди.

Бу ерда беш-олти йил ишлаган, айни куч-қувватга ўлган йигит «майда-чуйда» қурилишлардан зерика бошлаган ҳам эдики, улкан Тошкент ГРЭСи қурилиши бошланаётгани тўғрисида хабар эшитиб қолди. 1961 йилдан ГРЭС қурилишида ишлади. Уч йилдан сўнг у фойдаланишга топширилгач, нимаси биландир қадрдон бўлиб қолган бу гигант объектни ташлаб кетолмади — энергоблок машинистига ёрдамчи бўлиб қолди.

Меҳнаткаш инсон фарзанди бўлмиш Йўлдошнинг ўзи ҳам меҳнатга чанқоқ эди. Янги касб уни ўзига мафтун этди, бутун борлиғи билан бу касбнинг ҳали ўзи учун очилмаган қирраларини ўзлаштиришга, ўрганишга берилиб кетди. Бундай одам эса, табиийки, ҳар қандай меҳнат коллективида дарров кўзга ташланади, атрофдагиларнинг меҳр-муҳаббатини қозонади. Йўлдош ҳам шундай бўлди. Натижада, орадан кўп ўтмай машинист вазифасига ўтказилди, уч йил ўтар-ўтмас эса цех коммунистлари уни энг илғор ишчи, муносиб одам сифатида КПСС сафига тавсия қилишди...

Камтарин меҳнатига берилаётган муносиб баҳо, коллективнинг меҳри ва ишончи Йўлдошни янада яхшироқ ишлашга илҳомлантирмоқда эди.

Шу тариқа, улкан нурхона коммунистлари КПСС XXV съездига делегатликка Йўлдош Муслимов номзодини кўрсатишди.

Й. Муслимов энди катта мастер эди. 2-қозон-турбина цехнинг катта мастери. Бу цехда жами 6 та энергоблок бўлиб, уларнинг ҳар бирига бир машинист хизмат кўрсатади. Ҳар уч машинистнинг ишини эса бир катта машинист назорат қилади. Демак, Муслимов учта энергоблокнинг ишлашига, яхши, бир меъёрда, нуқсонсиз ишлашига жавобгар. Шунингдек, бузилган қисмларини ўз вақтида созлатиш, иш жараёнида эса рўй берган носозликларни турли асбоб-ускуналар ёрдамида бартараф этиш вазифаси катта машинист зиммасида.

Ҳар битта энергоблок 165 минг киловатт қувватга эга. ГРЭСда 12 та шундай энергоблок бўлиб, жами қуввати 2 миллион киловаттга яқин. Демак, Йўлдош Муслимов тасарруфидаги энергоблоклар ҳар соатда 500 минг киловаттга яқин электр энергияси ишлаб чиқармоқда.

Ёнидаги ордени ва медаллари ҳам ўзига ярашиб турибди. Ҳаётингизда энг эсда қоладиган воқеаларни айтиб беринг? — сўрадим камтаргина табиатли Йўлдош акадан.

— Албатта, ГРЭС қурилишига ишга кирганим, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Ленин ордени билан тақдирланганим, КПСС XXV съездига делегат бўлганим ва булардан аввал партия сафига кириб, сўнг... коммунист деган номни озмикўпми оқлаганим...

Сўнгиси — иккаламизга ҳам равшан эди, унинг ҳаётидаги ана шу ҳозирча сўнгги катта воқеа муносабати билан суҳбатлашаётган эдик.

Йўлдош ака билан ҳайрлашиб жўнар эканман, ҳалол меҳнат, покиза виждон инсонни ҳамиша шон-шарафларга буркашини ўйлаб борардим. Бу оилани меҳнаткашлар сулоласи дейиш мумкин. Ота-боғбон, ўғил ишчи, Йўлдош аканинг укаси Эргаш Муслимов акасига ҳамкасб ва ҳамнафас — ўн уч йилдан бери энергоблок машинисти, опаси Жамила ўқитувчи, синглиси Мунира «Миконд» заводи ишчиси, Йўлдош аканинг турмуш ўртоғи Махсума консерва заводи ишчиси...

Энди, бу сулолани Йўлдош аканинг фарзандлари, Муслим отанинг набиралари давом эттиришмоқда: Дилдора кабель заводида, Дилором «Малика» трикотаж бирлашмасида ишлайдилар. Равшан ҳунар-техника билим юртида ўқимоқда.

Улар ҳам ишчи деган улуғ номни баланд кўтарадилар, сулола шаънини шарафларга буркандилар. Зотан, Қаҳрамон фарзандлари бўлишнинг ўзига яраша «юки» бор... Муслимов чироқлари ҳамиша порлаб турини керак!..

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Областимизда машина терими бошланди

▲ ҒАЛАБА районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхози меҳнаткашлари бу йил мавжуд 3300 гектар майдондан 12 минг 45 тонналик хирмон уйиш мажбуриятини олишган. Хўжаликда давлатга пахта топшириш кундан кунга ортиб бормоқда. Бу ишда юксак унум билан ишлатилаётган «зангори кема»лар аҳамияти катта бўляпти. Суратда: хўжалик далаларида машина терими пайти.

А. Зуфаров фотоси.

СССР ХАЛҚ АРТИСТИ ШУКУР БУРҲОНОВ—75 ЁШДА

САНЪАТИМИЗ ФАХРИ

Санъатда ғоявийлик яловбардори бўлиб келган, ўз ижодида ўзбек театрининг энг яхши фазилатларини мужассам эта олган коммунист актёр Шукур Бурҳонов кўп миллатли совет театрининг атоқли намояндаларидан биридир.

Шукур Бурҳонов — ёркин истеъдод ва юксак маҳорат эгаси. Унинг маҳорати шунчаки қўникма, тажриба, технология эмас, бу — актёрнинг роль устида олиб борадиган машаққатли меҳнатининг самараси, репетициялар ва томошабинларга ўйнаш жараёнида ўзидан ва ҳамкасбларидан яхлитлик ва уйғунлик талаб қилиши, ўзида бор имкониятларни тўлатўкис рўёбга чиқаришда қўллайдиган саҳнавий воситалари ҳамдир.

Бундай маҳоратга санъаткор осонликча эришмаган, албатта. Шукур Бурҳонов қадрдон коллективи бўлмиш Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри бағрида ўсди, улғайди, аллома устозлар Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Аброр Ҳидоятов, Обид Жалиловлар мураббийлигида яхшигина мактабни ўтади.

Туғма истеъдод, яхши ижодий муҳит, ишчанлик, ижодий бедорлик туфайли Шукур Бурҳонов жуда тез танилди. Икки-уч йил орасидаёқ эпизодик роллардан йирик образларга ўтиб Аброр Ҳидоятов, Лутфулла Назруллаев, Саъдихон Табибуллаев каби хийла тажрибали санъаткорларга ҳамнафас бўлди. Ҳатто 1934 йили саҳналаштирилган У. Исмоиловнинг «Рустам» драмасида бош ролда Аброр Ҳидоятов билан ижодий беллашди ҳам. Спектакль томошабинлар талаби билан ёзги бинода ўн кун сурункасига кўрсатилар экан, Аброр Ҳидоятов билан Шукур Бурҳонов Рустам ролини саҳнама-саҳна навбат-банавбат ижро этишади. Шундан кейин буюк актёр Аброр Ҳидоятов шогирдидан кўнгли тўлиб, Рустам ролини унга батамом топширади.

Бироқ у пайтлар Шукур Бурҳонов асосан ўзида бор табиий имконият ва ҳиссиётлар билан иш кўрарди. 1936 йилда яратган Ғуломжон (К. Яшиннинг «Номус ва муҳаббат» драмаси) ролидан бошлаб актёр қаҳрамон характерини чуқур тадқиқ қилишга, унинг руҳий оламига сингишга киришди.

Дарҳақиқат, санъаткор Ғуломжон образидан эътиборан ўз мавзуи ва услубига эга бўла борди. Бунда миллий анъаналарни ўзлаштириш, тана, тил ва овоз устида тинимсиз ишлаш, Аброр Ҳидоятовдан ўрганиш билан бир қаторда Качалов, Леонидов, Хоравалар санъатидан таъсирланиш муҳим роль ўйнади. Шукур Бурҳонов танлаган йўл ва ижодий услуб ўзбек театрига бегона эмасди. Бу қаҳрамонлик-романтик йўналиш бўлиб, Аброр Ҳидоятов томонидан асосланган эди. Шукур Бурҳоновнинг дастлабки ижодидан Рустам (У. Исмоилов, «Рустам»), Шванда (К. Тренев, «Любовь Яровая»), Ғофир (Ҳамза, «Бой ила хизматчи») образларида ана шу йўналишга хос хусусиятлар яққол кўзга чалинди.

Эллигинчи йиллар аввалидан Шукур Бурҳонов трагик роллар ижросида ўз қобилияти ва маҳоратини баралла намойиш эта бошлади. Бу соҳадаги кескин ижодий бурилиш Гамлет ролида юз берди. Аброр Ҳидоятов ижросидан руҳланган Шукур Бурҳонов Гамлетни Олим Хўжаевдан фарқли ўлароқ, ички изтироб билан ўйнади. Унинг Гамлети қайноқ қалбли, ҳаяжонли, қаёт жумбоқлари устида ақл билангина эмас, бутун борлиғи билан ўйловчи, ҳақиқатни шиддат билан изловчи, сароғдаги риёкорлик, фитна-фужур, разилликларни қатъий фош этишга кириштан қудратли инсон сифатида гавдаланди.

Улуғбек (Мақсуд Шайхзода, «Мирзо Улуғбек»), Брут (Шекспир, «Юлий Цезарь»), Эдип (Софокл, «Шоҳ Эдип») ролларида Шукур Бурҳоновнинг трагиклик иқтидори тўла-тўкис намоён бўлди. Брут роли, аввало, тарихан ҳаққонийлиги билан ажралиб туради. Энг муҳими, Бурҳоновнинг Брути ўзининг баҳодирона келбати, жозибаси, фикр ва ўйларининг кенглиги, метин характери, шекспирона ҳарорати билан жалб қилади. Томошабин халқ эркинлигига жонини тиккан чинакам қаҳрамон Брут — Бурҳоновнинг ҳалокати халқдан йироқлигида эканлигини яхши тушуниб олади. Шукур Бурҳонов бу ролда ҳақиқий актёрнинг нақадар улкан ҳиссиётуғуларни, нақадар теран фикрларни ифода этишга қодир эканлигини намойиш қилди.

Мирзо Улуғбек образи Брут образига яқин туради. Улуғбек—Шукур Бурҳонов спектаклда ишонарли тасвирланган даври ва муҳитида бошқалардан мислсиз устунлиги билан яққол ажралиб туради. Актёр Мирзо Улуғбекнинг мураккаб руҳий дунёсини, зиддиятларини, бир-биридан кескин фарқ қилувчи ҳолатларини ажойиб бир усталик билан очиб беради. У ғоҳ хаёлга чўмган фазокор олим, ғоҳ чет давлат элчилари билан суҳбатда сезгир сиёсатчи, ғоҳ ваҳоҳатидан сарой аҳли зиг титровчи вафоли ёр, ғоҳ меҳрибон устоз, ғоҳ оқпадар ўғилнинг хиёнатидан қаҳр отига минган ота, ғоҳ аҳли шуаро қадрига етган нозиктаъб инсон. Энг муҳими, Шукур Бурҳонов Улуғбекни четдан туриб кузатмасдан, асар руҳи ва образ моҳиятига сингиб кетиб, образни ичдан туриб тадқиқ этади. Гуманист Улуғбекнинг султон Улуғбек билан бўлган ички кураши, руҳий конфликтни ажиб бир моҳирлик билан ифода этадики, лол қоласан, киши!

Шукур Бурҳонов ижоди ижтимоий, фалсафий ва ғоявий мазмунга тўла, уфқи кенг, кўп қиррали. У нафақат ёқимлий, балки ўткир драматик, лирик характерли ва ҳатто ҳажвий йўналишдаги кўпгина ажойиб ролларда маҳорат кўрсатган. Саидбаттол (Ҳ. Олимжон, «Муқанна»), шаҳар ҳокими (Н. Гоголь, «Ревизор») ролларида санъаткор ўзининг сатирик қобилиятини намойиш қилди.

Атоқли санъаткор кино актёри сифатида ҳам илк бор «Асал» фильмида тўқимачилик комбинатининг ёш инженери Рустам, кейинчалик «Уйқусиз йўл» фильмида жарроҳ Соҳиб Ниёзий ролларида чиқди. Аммо унга Наби Ғаниевнинг «Тоҳир ва Зуҳра» (1945) фильмида яратган Қоработир образи чинакам шуҳрат келтирди. Тоҳирга нисбатан ҳасад ва ғазаб билан ёнган, замона зайли ва отасининг майли билан куч-ғайрати ва баҳодирлигини ёмонлик йўлига тасарруф этишни ўрганган Қоработир — Бурҳонов томошабинлар хотирасида муҳр бўлиб ўрнашди.

Санъаткор К. Ёрматовнинг трилогияси бўлмиш «Осиё устида бўрон», «Инқилоб чавандозлари» ва «Қора консулнинг ҳалокати» фильмларида Юсуф Алангтўш ва Азнавур полвон образларини яратди. Айниқса, Алангтўш образи ҳам актёрнинг инсоний-гражданлик принципларига ва ижодкорлик табиатига мос келганлиги, ҳам улкан ғоявий-бадиий савияга эга бўлганлиги билан муҳим. Мазкур образ кинематографиядагина эмас, балки ўзбек совет санъатида катта воқеа бўлди. Санъаткор Алангтўшни халқ достонларидаги қаҳрамонлар сингари содда ва қув, тадбиркор ва довюрак, меҳрибон ва ғазабнок, ақл-фаросатли ва паҳлавон қилиб гавдалантиради. Меҳнаткаш халқ қасоскори Алангтўшнинг етарли тушунмай Октябрь революцияси томонига ўтиши, воқеалар давомида унинг иккилоб чавандозига айланишини актёр жуда таъсирли ва ишонарли акс эттира олган.

Шукур Бурҳонов ўзбек саҳна Ленининомасини яратувчилардан биридир. У Ҳамза театрида саҳналаштирилган «Кремль курантлари», «Унутилмас 1919 йил», «Учқундан аланга», «Йўлчи юлдуз» спектакларида доҳий В. И. Ленин қиёфасида кўринишга муяссар бўлди. Доҳийнинг ўзига хос характери ва руҳий оламига сингишда актёрнинг тажрибаси ортиб борди.

Шоҳ Эдип образида Ш. Бурҳонов руҳий-маънавий таъсирчанликни тафаккур ҳисси билан бирлаштириш бобида, ҳақиқатпарварликдан иборат етакчи ижодий мавзуни янада ёрқинроқ ифодалашда бир поғона юқори кўтарилди. Актёр ҳақиқат йўлида ўзини ҳам аямаган, жамият олдидаги бурч ва инсоний виждонни ҳамма нарсадан устун қўйдиган Эдипнинг монументаль образини яратиб, қадимий трагедия ғоялари ва образ моҳиятини замондош томошабинларга манзур ва яқин қила олди. Бу роль Шукур аканинг ички драматизм, фожиавий образлардаги изланишлари ажойиб бир ниҳояга етказган шоҳ образлардан биридир.

Ўлмас Умарбековнинг «Қиёмат қарз» спектакли бош қаҳрамони Сулаймон ота ролида эса санъаткор барча жанрларда олиб борган изланишларни жамулжам қила олди. Бу образ орқали актёр ўзининг юксак одамийлик ва эҳтиросли гражданликдан иборат фазилат соҳиби эканлигини намойиш этди. Юксак фалсафий умумлашмага эришди, кўп қиррали ҳаётий ва бетакрор саҳнавий образ яратди.

Ғафур Ғулом «Шукур Бурҳонов — театр шоири!» деган эди. Дарҳақиқат, атоқли санъаткор миллий, айни чоғда, интернационал актёр бўлиб, у ўз санъатининг таъсирчанлиги билан томошабин ақли, хаёли ва ҳиссиётини бутунлай ўзига ром қилиб олади, фикр ва туйғулар силсиласи билан сеҳрлайди. Шукур Бурҳонов санъатининг интернационал моҳияти унинг коммунистик эътиқоди, социалистик саҳна санъати методи билан қўролланиши, гуманистик ғояларни тарғиб қилиши билан белгиланади.

Атоқли санъаткор шу кунларда 75 ёшга тўлди. Шукур акани бу қутлуғ ёшлари билан самимий табриклаб, у кишига мустаҳкам сиҳат-саломатлик, энг эзгу ниятлар тилаймиз.

Муҳсин ҚОДИРОВ,
санъатшунослик доктори.

СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

ШАҲАР ЮБИЛЕЙ СПАРТАКИАДАСИ

БУГУН «Старт» спорт стадионида шаҳар XX юбилей спартакиадаси байроғи кўтарилади. Барча район мусобақаларининг ғолиблари шу ой охиригача спортнинг 20 тури бўйича ўзаро бахслашадилар.

Спартакиада байроғи гарчанд бугун кўтарилса-да, бир неча турлар бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. 8 сентябрда старт олган стол теннриси, теннис, бадминтон, ГТО кўпкураши баҳсларига якун ясалди. Стол тенниси ва теннис мусобақаларида Октябрь райони вакиллари ғолиб келдилар. Бадминтон беллашувларида Чилонзор райони спортчилари биринчи бўлишди. ГТО кўпкурашида Куйбишев райони командаси биринчи бўлди. Шунси эътиборлики, ГТО кўпкураши стартига ёшлар ҳам, кексалар ҳам чиқишди. Бешинчи босқичда «Узавтострой» трестининг бош механиги 51 ёшли Юрий Козлов ғалабага эришди. Бу ҳаваскор спортчи бундай мусобақаларда 20 йилдан ортиқ вақтдан бери узлуксиз қатнашиб келмоқда. Ўн бир марта ғолиб бўлган. Тўртинчи босқичда Фрунзе район вакили, Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиси Рашид Мирҳайдаров биринчи бўлди.

Ўтган куни «Меҳнат резервлари» спорт комплексида сузиш мусобақалари бошланди. Бунда Эфиопиядан келган меҳмонлар ҳам қатнашмоқдалар.

Футбол бўйича саралаш учрашувлари тугади. Фрунзе, Чилонзор, Ленин ва Киров районн командалари финалга чиқди.

Тошкентнинг энг йирик спорт комплекслари «Пахтакор», «Старт», «Меҳнат резервлари», «Текстильщик» ва бошқа жойларда давом этаётган мусобақаларда ҳаваскорлар билан бир қаторда совет спорти шарафини Бутуниттифоқ ва халқаро мусобақаларда ҳимоя қилаётган етук спортчилар ҳам иштирок этмоқда.

Бугун спартакиада байроғи кўтарилгач қўл тўпи, баскетбол, волейбол, шахмат ва бошқа турлар бўйича финал мусобақалари ўтказилади.

СПОРТ КОМПЛЕКСИДА КАТТА БАЙРАМ

Ангрендаги маданий-спорт комплексида КПССкинг бўлажак XXVII съездига бағишланган байрам бўлиб ўтди. Шаҳарликлар ва Олмалиқ, Оҳангарон, Янгиободдан, Бўка районининг қишлоқларидан келган олти мингдан кўп меҳмонлар марказий стадион минбарларига йиғилдилар.

Байрам Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранларини шарафлаш билан очилди — пионерлар уларга анвойи гулдасталар тутқаздилар. Шундан кейин партия, ватан тўғрисидаги, шонли анъаналарга садоқат ҳақидаги қўшиқлар янгради.

Спортчиларнинг машқлари ва ҳаваскор артистларнинг концерт программаси мароқли ва хилма-хил бўлди. Эстрадада «Минерал», «Эдельвейс», «Метроном», «Силуэт» вокал-чолғу ансамбллари бирин-кетин концерт берди. Бу ансамбларда геологлар, энергетиклар, шахтёрлар, химиклар, қурувчилар қатнашмоқдалар.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг командалари «Қувноқ стартлар» мусобақасини ўтказди. Ёш футболчилар ҳамда катта ёшдаги спортчиларнинг мусобақалари ўтказилди. Ангреннинг «Шахтёр» командаси билан «Учқудуқ» командаси республика биринчилиги учун учрашдилар. Чемпионатда пешқадамлик қилаётган майдон эгалари 1:0 ҳисоби билан ғалаба қозондилар.

М. ОБИДОВ,
маданий-спорт клубининг масъул секретари.

ТЎҚИМАЧИЛАР ҒОЛИБ

Тўқимачилик ва енгил саноат ходимлари касаба союзи область комитетининг XIII спартакиадаси бўлиб ўтди. Унинг очилиш маросими пойтахтимиздаги «Текстильщик» стадионида ўтказилди. Бу кун катта спорт байрамига айланиб кетди.

Финал учрашувларида 500 дан кўп киши қатнашди. Тўқимачилик комбинатининг футболчилари, волейболчилари ғолиб бўлдилар. Шунингдек, ГТО кўпкурашида ҳам биринчи ўринни тўқимачилар эгаллашди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи шашка, шахмат, стол тенниси мусобақаларида совринли ўринларни эгаллашди.

Умумкоманда ҳисобида ҳам Тошкент тўқимачилик комбинатининг командаси биринчи ўринни олишга муваффақ бўлди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин эса Тошкент пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективига насиб этди.

А. МАВРИНА,
Тўқимачилик ва енгил саноат ходимлари область касаба союз комитетининг спорт инструктори.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

23 СЕНТЯБРДАН — 29 СЕНТЯБРГАЧА

ДУШАНБА, 23. IX

МТ I

9.00 «Время».
9.40 Футбол шарҳи.
10.10 «Нанғриш» чолғу трриоси чалади.
10.30 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Сумбул сочли гўзал Варвара».
12.20 Концерт.
13.10 ва 15.00 Янгиликлар.
15.20 «Бизнинг замондошимиз». Ҳужжатли фильмлар.
15.55 «Онамларнинг мактаби».
16.25 Поэзия. К. Рилеев.
16.55 «Горничилар, қаердасиз?».
17.25 «Электроника ва биз».
17.55 Фильм-концерт премьераси.
18.35 Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Телефильм.
19.40 «Ишлар ва одамлар». «Мураббий—коллектив».
20.05 Футбол шарҳи.
20.35 И. Гёте «Фауст». Трагедиядан саҳналар.
21.30 «Время».
22.05 Фильм-концерт премьераси.
22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Спартак».
24.00 «Дунё воқеалари».

МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 Телефильм.
9.35 ва 10.35 Табиатшунослик. 3-синф.
9.55 Илмий-оммабоп фильм.
10.05 «Рус тили».
10.55 Илмий-оммабоп фильм.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Жамиятшунослик.
11.35 ва 12.40 Тарих. 6-синф.
12.05 «Фан ва турмуш».
13.10 Ботаника. 6-синф. Дуккаклилар.
13.30 Н. В. Гоголь. «Тарас Бульба». 6-синф.
14.00 Ўқитувчига—музика саҳоғи 7-синф. 1-кўрсатув.
15.00 «Қишлоқ янгиликлари».
16.00 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар».
16.30 ва 18.30 Янгиликлар.
18.45 Спортнинг ҳарбий-амалий кўп кураши бўйича СССР чемпионати.
19.15 Телефильм.
19.45 Фильм-концерт премьераси.
20.00 Ритмик гимнастика.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Низоли вазият». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
23.10 Телефильм.

УзТВ I

7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Тонгги тароналар».
8.00 «Салом, кичкинтойлар!». «Эртак кетидан эртак».
8.15 «Ота-оналарга болалар ҳақида».
8.30 «Ахборот».
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильмлар.
18.45 Болалар учун фильм концерт.
19.10 Ҳужжатли фильм («Узкинохроника»).
19.30 «Ахборот». (рус.).
19.50 Халқаро аҳвол кундалиги.
20.05 «Гулистон» журнали саҳифаларида.
20.30 «Ахборот».
20.50 Композитор. С. Жалилнинг камер асарлари.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Баҳс». Ёшлар учун нон ҳақида кўрсатув.
23.20 Кўрсатувлар программаси.

УзТВ II

9.00—16.35 **МТ II.**
17.00 Кўрсатувлар программаси.
17.05 Телевизион бадиий фильм (рус.).
18.20 Қизиқарли математика.
18.50 «Кўкон воқеаси». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.15 Телефильм.
20.55 Ҳужжатли фильм.
21.30 **МТ II.**

СЕШАНБА, 24. IX

МТ I

9.00 «Время».
9.40 Болалар учун фильм «Ховлимиздаги Билмасвой». 1-серия.
10.45 Ленинград телевидениеси ва радиоси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
11.15 «Горничилар қаердасиз!».
11.45 «Низоли вазият». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
12.50 И. Стравинский. «Оқуғ». Балет сюитаси.
13.20 ва 15.00 Янгиликлар.
15.20 Телефильмлар.
16.10 «Ёрда, самода ва денгизда».
16.40 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
17.10 Д. Шостакович. 7-симфония.
18.40 «Китоблар — дўстлик жарчилари».
19.10 «Дунё воқеалари».
19.25 Телефильм.
20.25 «Карел-Готт Люцерна» концерт залида (ЧССР).
21.30 «Время».
22.05 «Мулмулар — изланишлар — ечимлар».
23.35 «Дунё воқеалари».
23.50 Совет қўшиқларидан концерт.

МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 Илмий-оммабоп фильм.
9.35 ва 10.40 Тарих. 5-синф.
10.00 Илмий-оммабоп фильм.
10.10 ва 14.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Эстетик тарбия, моҳияти ва вазифалари.
11.35 ва 12.40 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 8-синф. Ҳуқуқ ва аҳлоқ.
12.05 «Шахмат мактаби».
13.10 Физика. 10-синф.
13.40 Тарих. 4-синф.
14.35 «Лисая Горькадаги мактаб». Телеочерк.
15.15 Рус халқ эртаги.
16.00 «Ялла» ансамбли ижро этади.
16.30 ва 18.30 Янгиликлар.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Фан ва техника». Киножурнал.
21.00 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
21.30 «Время».
22.05 «Низоли вазият». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
23.10 Фильм-концерт.

УзТВ I

7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 ЎзССР Давлат телерадиоси камер оркестри ижро этади.
8.00 Мультфильм.
8.10 «Пионер телетайпи».
8.20 Телефильм.
8.30 «Ахборот».
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Бир том остида». Мультфильм.
18.30 Успенский номли музика мактаб ўқувчиларининг концерти.
19.00 «Инсон атеросклерози: молекуляр-ҳужайралар ва клиник аспектлар» проблемалари бўйича СоветАмерика биринчи симпозиуми (рус.).
19.30 «Ахборот». (рус.).
19.50 «СССР Давлат мукофотига номзодлар». Т. Қаипберганов.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Вариация мавзуларида». Телефильм.
21.10 «Хирмонингизга барака».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Тошкентнинг олтин кубоги». IV Бутуниттифоқ санъат фестивали.
22.40 Ҳужжатли фильм («Узкинохроника»).
23.00 Кўрсатувлар программаси.

УзТВ II

9.00—16.35 **МТ II.**
17.00 Кўрсатувлар программаси.
17.05 Телеспектакль (рус.).
18.30 Совет давлати ҳуқуқи асослари.
19.00 «Кўкон воқеаси». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Эстетика асослари. Эстетиканинг асосий категориялари Гўзаллик ва хунуклик (рус.).
21.00 Телефильм.
21.30 **МТ II.**

ЧОРШАНБА, 25.IX

МТ I

9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
9.55 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
10.25 Болалар учун фильм.
11.30 «Саёҳатчилар клуби».
12.30 «Низоли вазият». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.35 ва 15.00 Янгиликлар.
15.20 Социалистик мамлакатлар ҳужжатли фильмлари.
16.00 Халқаро конкурслар лауреати. Т. Федькина чалади (Фортепьяно).
16.35 Телефильм.
17.35 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.20 Тува Давлат. «Саяни» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
18.45 «Инсон ва қонун».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
19.45 С. Захаров куйлайди.
20.00 «Моцарт». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. (Франция). 1-серия.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. СССР—Дания терма командалари.
23.45 Телефильм.

МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 Телефильм.
9.35 ва 10.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 9-синф.
10.05 ва 14.00 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Музика. Э. Григ. «Пер Гюнт».
11.35 ва 12.35 Умумий биология. 9-синф.
12.05 «Ғила ва мактаб». Тележурнал.
13.05 Илмий-оммабоп фильм.
13.15 И. А. Крилов масаллари. 5-синф.
13.40 Табиатшунослик. 4-синф.
14.30 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Эстетик тарбия: моҳияти ва вазифалари (такрорий).
15.00 А. М. Горький. «Она» романи.
15.30 «Бил ва ўддала».
16.00 «Ўсимликлар дунёси».
16.45 —18.30 Янгиликлар.
18.45 Бокс бўйича СССР чемпионати. Ярим финал.
19.30 Ю. А. Жуков суҳбати.
20.00 «Шахмат мактаби».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Қурилиш ва архитектура». Киножурнал.
21.00 «Музикали киоск».
21.30 «Время».
22.00 Телеспектакль.
23.15 Москва шаҳар хор коллективларининг концерти.

УзТВ I

7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 Танбур тароналари.
8.00 Мультфильм.
8.10 «Илғор тажриба — ҳаммага».
8.20 Телефильм.
8.30 «Ахборот».
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильмлар.
18.40 Фильм-концерт.
19.10 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 Халқаро аҳвол кундалиги.
20.05 «Партия турмуши».
20.30 «Ахборот».
20.55 Роппа-роса Хива вақти билан соат 7 да. Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Махтумқулӣ». Бадиий фильм.
23.25 Кўрсатувлар программаси.

УзТВ II

9.00—16.50 **МТ II.**
17.00 Кўрсатувлар программаси.
17.05 Телевизион бадиий фильм (рус.).
17.35 «Тюлленлар». Телефильм.
18.10 Ўқитувчи экрани. «Мактаб ислоҳоти-ҳаётга». «Улкан ўзгаришлар даври» (рус.).
18.40 Телефильм.
19.00 «Кўкон воқеаси». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Эстетика асослари. Эстетиканинг асосий категориялари. Гўзаллик ва хунуклик.
21.00 Ҳужжатли фильм.
21.10 «Звезда Востока» журнали— бизнинг меҳмонимиз. (рус.).
21.30 Москва. «Время».
22.00 Нон ва атиргуллар. Бадиий фильм. (рус.).

ПАЙШАНБА, 26. IX

МТ I

9.00 «Время».
9.40 Болалар учун концерт.
10.10 Мўъжизасиз-мўъжизалар.
11.10 «Моцарт». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
12.35 «Рўйи-рост гаплашамиз». Телефильм премьераси.
13.05 ва 15.00 Янгиликлар.
15.20 Телефильмлар.
16.15 Туркманистон ССР Давлат халқ рақс ансамбли ижро этади.
16.45 С. Смирнов. Ёзувчи ва гражданлик.
17.45 «Объективда—ЯАР».
18.00 «Концерт залида — мактаб ўқувчилари».
18.40 «Дунё ва ёшлар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Оналик қисмати». Телеочерк.
20.00 «Моцарт». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 Телефильм премьераси.
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 Илмий-оммабоп фильм премьераси.

МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 Илмий-оммабоп фильм.
9.35 ва 10.35 Умумий биология. 10-синф. Ҳужайралар назарияси.
10.05 ва 13.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Физика. Механика ва ишлаб чиқаришни механизациялаш.
11.35 ва 12.40 Зоология. 7-синф. Ҳашаротлар.
12.00 «Онамларнинг мактаби».
12.30 Илмий-оммабоп фильм.
13.35 Музика. 5-синф.
14.05 «Жанг фақат қариялар кириши». Бадиий фильм. Субтитр билан.
15.35 Мактаб ўқувчиларига физиология ва гигиена ҳақида.
16.05 ва 18.30 Янгиликлар.
18.45 «Халқ куйлари».
19.00 Бокс бўйича СССР чемпионати. Ярим финал.
19.45 Венгер артистларининг чиқиши.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!».
20.45 Концерт.
21.00 Ритмик гимнастика.
21.30 «Время».
22.05 Телефильм.
22.20 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. «Жальгирис» — АСК (Киев).
23.00 И. С. Тургенев ижоди ҳақида фильм-концерт.

УзТВ I

7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Тонгги тароналар».
8.00 «Салом, кичкинтойлар!». Музикали дақиқалар.
8.10 Студент ёшлар учун. «Ижод ва изланиш».
8.30 «Ахборот».
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун «Китоб—бизнинг дўстимиз».
19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади.
19.30 «Ахборот». (рус.).
19.50 Телефильм.
20.05 «Қишлоғимиз жамоли» (такрорий).
20.30 «Ахборот».
20.55 «Олтинжамол фаслсан». Музикали композиция.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин билан учрашув.
23.20 Кўрсатувлар программаси.

УзТВ II

9.00—16.10 **МТ II.**
17.00 Кўрсатувлар программаси.
17.05 Телевизион бадиий фильм. (рус.).
18.10 Ўқитувчи экрани. «Мактаб ислоҳоти-ҳаётга». «Улкан ўзгаришлар даври» (рус.).
18.40 Болалар учун. «Бойчечак» (такрорий).
19.10 Реклама.
19.20 Фильм-концерт.
19.55 Тошкент янгиликлари.
20.15 «Экранда-классик адабиёт». «Анна Каренина». Бадиий фильм. 1-серия.
21.30 **МТ II.**

ЖУМА, 27. IX

МТ I

9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
9.55 Мультфильмлар.
10.40 Ҳужжатли фильмлар.
11.25 Концерт залида —мактаб ўқувчилари.
12.05 «Моцарт». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.30 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 Ҳужжатли фильмлар.
16.10 «Рус тили».
16.45 «Ёвз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатилади.
17.40 Мордва халқи Россия составига ихтиёрий қўшилганлигининг 500 йиллигига.
18.30 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ҳамдўстлик» Тележурнал.
20.00 «Моцарт». Телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
21.30 «Время».
22.05 Халқаро фольклор байрами.
23.20 «Дунё воқеалари».
23.35 Л. Мартинов. «Ҳаво фрегатлари».

МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Ишончли одам». Телефильм.
9.35 ва 10.35 Тарих. 4-синф.
10.05 ва 13.45 Инглиз тили.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Умумий биология.
11.35 ва 12.40 География. 5-синф. Жойнинг плани.
12.05 М. Луконин поэзияси.
13.10 В. Маяковский. «Мен кашф этган Америка».
14.15 Тарих саҳифалари. «Шаҳсан дахлдор». Уч марта Қизил Байроқ ордени кавалери, артиллерия генерал-майори А. Ф. Сергеев ҳақида.
15.00 А. Н. Островский. «Сепсиз қиз».
16.00—18.30 Янгиликлар.
18.45 Илмий-оммабоп фильм премьераси.
19.00 «Мавжуд шароитга кўра...» Киевдан олиб кўрсатилади.
19.50 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. «Динамо» (Тбилиси) — МАСК.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Актуал мавзуларда: халқ истеъмоли моллари. Хизмат кўрсатиш тармоғи».
21.15 Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 «Ғолиблар».
23.20 Останкино концерт студиясида джаз коллективларининг чиқиши.

УзТВ I

7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Музикали дастҳат».
8.00 «Салом, кичкинтойлар!».
8.10 Ишчи ёшлар учун.
8.30 «Ахборот».
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 «Бугун — Жаҳон туризм куни».
19.00 Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 Халқаро аҳвол кундалиги.
20.05 «Жаҳон тараққийпарвар адабиёти». Файз Аҳмад Файз.
20.30 «Ахборот».
20.55 «Инсон ва қонун».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Кино оламида».
23.05 Кўрсатувлар программаси.

УзТВ II

9.00—16.05 **МТ II.**
17.00 Кўрсатувлар программаси.
17.05 «Соло». Телевизион бадиий фильм (рус.).
17.30 «Қувноқ стартлар» (такрорий).
18.20 «Рус тили —мактабгача ёшдаги болаларга».
18.50 Фильм-балет.
19.30 «Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти — 50 ёшда» (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Анна Каренина». Бадиий фильм. 2-серия.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Бадиий фильм (рус.).

ШАНБА, 28 IX

МТ I

9.00 «Время».
9.40 «АБВГДейка».
10.10 «Моцарт». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
11.40 Тележурнал.
12.10 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаси.
12.40 «Инсон. Ер. Коинот».
13.25 Спорт гимнастикаси бўйича СССР кубоги ва чемпионати.
14.10 «Сизга манзур адабиётлар».
14.55 «Дунё воқеалари».
15.10 Бокс бўйича СССР чемпионати. Финал.
16.30 Пропагандистлар куни.
17.00 Пропагандистлар куни га бағишланган концерт.
18.00 «Иқтисодий шарҳ».
18.30 «Эски хум». Мультфильм.
18.45 «Ҳайвонот оламида».
19.45 Қишки вақтга ўтиш.
20.00 «Кинопанорама».
21.30 «Время».
22.05 Телевикторина.
23.25 Янгиликлар.

МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 Телефильмлар.
10.00 «Тонгги почта».
10.30 «Сиз яратган боғ».
11.00 Новосибирск телестудиясининг программаси.
11.55 «Саёҳатчилар клуби».
12.55 «Стадион ҳам